УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР
3 0 1 9 4

Илм—ўзни билмакдир

Маърифат

MARIFAT
معرفت

Халқ зиёлилари газетаси · 1931 йилдан чиқа бошлаган · 1994 йил 26 январь, чоршанба · № 7—8 (6595). Баҳоси сотувда эркин нархда.

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ЖАҲОН ТАЖРИБАСИНИ ЎЗЛАШТИРМОҚДАЛАР

«АХЛОҚИ МУҲСИНИЙ»: ДЎСТЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ, ЙИГИТЛИК ХИСЛАТЛАРИ

МАКТАБДА ШАХМАТ САБОҒИ—ИСТЕЪДОД САЙҚАЛИ ВА ТАФАККУР ҚАЙРОҒИДИР

Ўзбекистон—Америка

ЁШЛАР ЖАҲОН ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

Тошкентдаги 17-мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси Улуғбек Суюнов танлов чиғириқларидан ўтиб, Америкада ўқиб келганига кўп бўлгани йўқ. Унинг «Нордестокул» хусусий мактаби тарбиячиларидан шахсий таклифнома олиб, АҚШнинг Сиэтл шаҳрида бир йил ўқиганини кўпчилик билади, албатта.

Ҳозир биринчи қалдирғоч — Улуғбекнинг издошлари анча кўпайган. Бугунги кунда республикамизнинг турли шаҳарларидан 48 нафар ўқувчи Америка мактабларида таълим олмоқда. Яқинда янги гуруҳлар ҳам йўлга чиқади.

Ўзбекистонлик ёшларга бу имкониятни АҚШдаги «Акселс» таълим ва тил ўрганиш соҳасида ҳамкорлик маркази мутахассислари яратиб беришди. Бу ташкилот МДҲ мамлакатларидаги мактаб ўқувчилари ва талабаларга таълим бериш бўйича бир неча дастурни амалга оширади. Дастурларнинг молиявий томонини АҚШ ҳукумати кўтаради. Американлар Ўзбекистонга яхши ният: инглиз тилини яхши биладиган иқтидорли болаларни танлаб олиш учун келишган.

Ўтган йили инглиз тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган махсус мактабларнинг имтиҳон ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилари ўқишни давом эттириш учун Америкага жўнаб кетишган эди. Уларнинг барчаси америкаликлар хонадонида яшашади.

— АҚШда таълим олаётган ёш ҳамюртлар билан учрашувимиз америкаликларнинг очиқ кўнгиллилиги ҳақидаги гапдан бошланди,— дейди Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев.

У АҚШга БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг алоҳида топшириғи билан сафар қилган Ўзбекистон делегацияси сафида борган эди.

— Сафардан кўзланган мақсадлардан бири — Америка томони билан таълим соҳасида қалин алоқа ўрнатишдан иборат эди,— деб давом этади Жўра Ғаниевич. — Жумладан, АҚШ билан ҳамкорликда амалга ошириладиган икки дастур хусусида келишиб олишимиз лозим эди. Дастурларнинг бири доирасида бизнинг таклифимизга биноан Ўзбекистонда қарийб икки йилдан бери тинчлик корпуси намояндалари ишлаяпти. Улар 22 кишидан иборат бўлиб, қишлоқ мактабларида болаларга инглиз тилини, ўқитувчиларга эса, ўзларининг дарс бериш усулларини ўргатишяпти, тажрибаларини баҳам кўришяпти. Таълим департаментида биз бу тажрибани давом эттириш хусусида келишиб олдик.

«Акселс» таълим маркази ҳам биз билан ҳамкорликни давом эттириш истагини билдирди. Биз бу марказ билан биргаликда узоқ муддатли дастурларни амалга оширишимиз лозим. Чунки биз энг илғор усулларни ўзлаштириб, ўзимизга хос таълим андозасини ишлаб чиқиш мақсадида чет эл тажрибасини ўрганяпмиз.

Америкада ярим йилдан бери таълим олаётган ўқувчилар билан учрашувимиз ҳам ибратли бўлди. Ўқитувчиларнинг айтишича, улар билимга чанқоқлиги ва тиришқоқлигини намоён қилишган. Америкада мактаб тизими бизникидан фарқ қилади. У ерда беш чорак ўқилади, ҳар чоракдан кейин ўқувчилар синовдан ўтадилар. Математика, АҚШ тарихи, жисмоний тарбия сингари мажбурий дарслардан бошқа дарслар ўқувчиларнинг хоҳишига қараб ўқитилади.

Америка мактабларида келажакда танланадиган касбдан келиб чиқиб, нотиқлик маҳорати, мантиқ, ритмика, санъат тарихи чуқур ўргатилади. Бундан ташқари, болалар ўзларининг иш вақтидан қандай фойдаланиш ва ҳордиқ чиқариш хусусида ҳам малакали таълим олишади. Болаларимиз дастлабки пайтларда мана шу масалада бироз қийналишибди. Мустақиллик ва масъулиятга, оила ва мактабдаги мулоқотга бирданига ўрганиб кетиш осон эмас, ахир. Болаларнинг янги «ота-она»ларга кўникиши ҳам унчалик осон кечмаган.

Ҳозир бу қийинчиликларнинг барчаси ортда қолган. Болалар юртимизга пухта билим эгаллаб қайтишларига шубҳа йўқ. Биз ҳозир уларнинг билимини бўлажак касблари билан боғлаш, юртларидаги ўқув даргоҳларида таржимонлик ва республикамиз учун зарур бўлган бошқа мутахассисликлар бўйича малакасини оширишлари учун нималар қилиш ҳақида ўйлаяпмиз. Бунинг учун жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия институти негизида шундай иқтидорли болалар учун лицей очмоқчимиз.

Ўзбекистон бугунги кунда кўплаб мамлакатлар билан таълим соҳасидаги алоқаларни йўлга қўймоқда. Шунинг учун ҳам тил ўрганиш, айниқса, инглиз, француз, немис тилларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бизнинг асосий вазифамиз — истеъдодли ёшларни жаҳон тажрибасини ўзлаштиришга жалб этишдир.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

Маърифат Мираъзамованинг пойтахтимиздаги 230-мактабда физикадан дарс бераётганига эндигина бир йил бўлди. Ана шу қисқа давр мобайнида у хушмуомалалиги, болаларни дилдан севганлиги, касбига меҳр қўйганлиги туфайли ўқувчилар қалбига йўл топа олди. Улар физика фанини зўр иштиёқ билан ўрганишмоқда.

Суратда: М. Мираъзамова ўқувчиларга галдаги мавзуни тушунтираяпти.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Халқ таълими вазирлигида

ВАТАННИ ЙИГИТ ҚЎРИҚЛАР

Улуғ бобокалонимиз Амир Темур ўз тузукларида юрт ободлиги, раият осойишталиги ҳақида сўз юритиб, «давлату салтанат уч нарса билан: мулк, хазина ва лашкар билан тирикдир», деб ёзган эди. Дарҳақиқат, мустақиллик йўлидан дадил одимлаётган мамлакатимиз учун сарҳадларимиз осойишталиги, элу юрт тинчлиги истиқбол кафолатидир. Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида»ги Қонуни бу борада амалга ошириладиган кўламли тадбирларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Ҳар қандай мамлакатнинг мудофаа салоҳияти — бу жисмоний бақувват, назарий пухта билимга эга ёшлардан иборат. Уларни жанговар анъаналарга садоқатли, жасур ва ватанпарвар қилиб тарбиялаш эса таълим муассасалари зиммасига, айниқса, катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев вазирликнинг навбатдаги ҳайъат йиғилиши кун тартибидаги «Ўзбекистон Республикаси «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида»ги Қонунининг Тошкент шаҳри ўқув муассасаларида амалга оширилиши тўғрисида»ги масала хусусида сўз юритиб, ҳарбий тарбиянинг ана шу жиҳатларига алоҳида тўхталди.

Мазкур масала юзасидан Турсунқул Муҳиддинов маъруза қилди.

Тошкент шаҳар халқ таълими муассасалари Қонунни амалга ошириш бўйича истиқбол режаси асосида иш юритмоқдалар. Бунда мактаб ўқувчилари ёшларни чақириққача тайёрлаш Дастурида кўзда тутилган билим ва кўникмаларни чуқур эгаллашларига катта эътибор берилаётир. Чақириққача тайёрлаш ишларига шаҳардаги барча ўқув муассасалари жалб этилган. Ҳозирда ҳарбий таълим асосларини 25 мингдан зиёд ўқувчи ўрганмоқда. Ҳарбий таълим раҳбарларининг аксарияти олий маълумотли, ўқув жараёни зарур жиҳозлар билан таъминланган, ватанпарварлик тарбияси мазмунли ўтказилмоқда. Чунончи, бу борада Ҳамза туман халқ таълими бўлими ўқув муассасалари, Тошкент авиация лицейи, Шайхонтоҳур туманидаги 132-, Мирзо Улуғбек туманидаги 211-, Акмал Икромов туманидаги 236-, Юнусобод туманидаги 240-мактабларда ҳарбий таълим жараёни яхши йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, айрим ўқув муассасаларининг раҳбарлари бу муҳим вазифага етарлича эътибор бермаётирлар, айрим ҳолларда расмиятчиликка йўл қўйилмоқда, фанлараро боғланиш инобатга олинмаётир.

Ҳайъат йиғилишида шу нарса алоҳида таъкидландики, ҳарбий таълим раҳбарлари таркибида ёшлар камчиликни ташкил қилади, талай ўқув муассасаларида зарур ўқув-моддий асос яратилмаган, мерганлик ва ҳарбий саф тортиш майдончалари етарли эмас.

Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этиш, «Ватанпарвар» ҳарбий-спорт мусобақаларини изчил ўтказиб бориш, ҳарбий таълим хоналарини тугал жиҳозлаш тадбирлари белгиланди.

Ҳайъат йиғилишида «Ўзбекистон ўрта умумтаълим мактабларида физика ўқитиш Концепцияси» тасдиқланди, ҳунар-техника таълимининг 1994-1999 йилларга мўлжалланган истиқбол Дастури қабул қилинди.

Шунингдек, «Ўрта умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида 1993-1994 ўқув йили якуни, синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказиш», «1992-93 ўқув йилларида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан қабул қилинган ҳайъат қарорларини назоратдан олиш», «Тақдирлаш тўғрисида»ги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

МАФКУРА ҲАҚИДА МУЛОҚОТ

Республика Ўқитувчилар уйида муаллимларнинг ўзаро жонли мулоқотлари, учрашувлари, турли мавзулардаги суҳбатлари ва бошқа кўплаб тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади.

Куни-кеча бу ерда «Миллий истиқлол мафкураси» мавзусида Тошкент шаҳри ўқитувчилари вакиллари билан суҳбат бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши иккинчи котиби, Республика Фанлар академиясининг И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти директори, фалсафа фанлари доктори А. Жалолов «Мафкура, унинг моҳияти ва ижтимоий вазифалари ҳақида» маъруза қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг миллий истиқлол мафкурасини яратиш, уни ҳаётга татбиқ этиш лозим, деган кўрсатмаси замиридаги мазмун ва маъно, мафкуранинг йўналтирувчи, таълим-тарбиявий, илҳомбахш кучи ҳақида гап борди. Маърузачи учрашув иштирокчиларининг саволларига жавоб берди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев қатнашди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот маркази.

Мададталаб мактублар

ҚАДРИМГА ЎКИНДИМ

Мен Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманидаги 27-мактабда беш йилдан буён инглиз тилидан дарс бериб келаман. Жаҳон тиллари университетини имтиёзли диплом билан тугатганман. Туман марказида яшаб, ўн чақирим масофадаги мактабга қатнаб ишлайман. Жамоамиз жуда аҳил. Ўқувчиларимни жон-дилимдан яхши кўраман.

Яқинда бизнинг мактабимизда «Йил ўқитувчиси» танлови бўлиб ўтди. Бу ҳақда эшитиб, туман халқ таълими бўлими услубчиси Р. Бейсенбоевга бориб учрашдим. Унга танловда қатнашиш истагим борлигини айтдим. Бир соат очиқ дарс ўтиб беришим зарур экан. Тайёрландим. Туман марказидаги 1-мактабнинг 5-«А» синфида 29 сентябрь куни очиқ дарс ўтишимни Бейсенбоевга маълум қилдим.

Ўша кун келди. Афсуски, не умидлар билан тайёрланган дарсимда биронта ҳам ҳайъат аъзоси қатнашмади. Бўлган воқеани халқ таълими бўлими мудири Б. Қолбоевга айтсам, у киши: «Бу ишлар билан ҳайъат аъзолари шуғулланади» деди. Ҳайъат раиси эса «Биз бугундан ишлаяпмиз. 17-мактабдан Абдуллаевани чақирамиз, кейин дарс ўтиб берасиз», деди. Изза бўлганимдан, қадр-қимматим ерга урилганидан ўкиндим. Мактабни тубдан ўзгартириш жараёни кечаётган бир даврда халқ таълими мутасаддилари шунчалар масъулиятсизлик, лоқайдлик қилсалар, зиммамиздаги улкан вазифаларни қандай уддалаймиз? Ўқитувчи — ижодий касб эгаси. Ижодкор ўқитувчини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш керак-ку! Танлов бўлади деб айтишса-ю қатнашиш учун ўқитувчига ҳеч қандай шарт-шароит яратилмаса, бу қандай гап?

Эртасига яна халқ таълими бўлимига бордим. Ҳайъат раисига учраб, «Бугун 1-мактабда чет тили дарси йўқ экан, эртага ўтиб берсам» дедим. Кўнмади. «Қандай ўтсангиз, ўтасиз, лекин бугундан қолдирмайсиз», деди. Қизиқ, китоб-дафтар ва тайёргарлиги бўлмаган ўқувчиларга дарс ўтишим керак экан-да! Ўқувчилар саволингизга жавоб бермаса, мақсадга эришолмасангиз, бундай дарсдан не фойда?

Мен пул ёки тоифа олиш учун танловга қатнашмоқчи эмасдим. Мақсадим — маҳоратимни синаб кўриш, ўзимга ҳисобот бериш эди. Афсуски, менга бўлган муносабат, ҳайъат раисининг «Қайга борсанг, боравер» дегани ҳафсаламни пир қилди.

Лола БЕГИМОВА.

ҚОНУННИНГ ИСТИҚБОЛДАГИ САМАРАСИ

Маънавий ҳаётимизга оид бирон бир йирик воқеа йўқки, таълим тизимига дахлдор бўлмаса. Хусусан, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуннинг истиқболдаги самараси унинг таълим ўчоқларида қандай амалга оширилаётганлигига бевосита боғлиқдир. Зотан, тилимизнинг эртанги нафосатию бойлигини ёш авлоднинг маънавий камолидан айрича тасаввур этиб бўлмайди.

Хўш, шундай экан, илм масканларида она тили таълими мазмунини янгилаш ва ўқитиш самарадорлигини ошириш қай аҳволда, илмий-методик тадқиқотлар мазмунида қандай ўзгаришлар содир бўлмоқда, ўқишлар рус ва бошқа тилларда олиб борилаётган таълим муассасалари ўқув-методик адабиётлар билан керагича таъминланаётирми, мутахассислар етарлими?

Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида Қонунни амалга ошириш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳи юқоридагидек масалаларни ҳал этиш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда.

Яқинда ишчи гуруҳининг 1994 йилдаги биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни ишчи гуруҳи раиси, Ўзбекистон Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов олиб борди.

Йиғилишда ишчи гуруҳининг таълим муассасалари раҳбарлари, илмий-тадқиқот институти, ўқув-методика маркази мутахассислари, олимлар, матбуот вакилларидан иборат янги таркиби тузилди. 1994 йилга мўлжалланган иш режаси тасдиқланди. Йиғилишлар ўтган йиллардагидек ҳар ойда бир марта ўтказиб турилади.

Ишчи гуруҳининг шу кунги йиғилишида «Давлат тили тўғрисидаги Қонун талаблари асосида илмий-методик тадқиқотлар мазмунини янгилаш аҳволи» муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан ЎзПФИТИ директори ўринбосари Ҳ. Бобобеков ҳисоботи тингланди.

«Маърифат» хабарлари

ДАРСЛИКЛАР ҲАМКОРЛИКДА ЯРАТИЛАДИ

17 январь куни Буюк Британиянинг маданий ҳамкорлик ишлари билан шуғулланувчи Британия кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари ўртасида инглиз тилини ўқитиш бўйича ўрта мактаб ва олий ўқув юртларига мўлжалланган дарсликлар, ўқув қўлланмалари тизимини ҳамкорликда яратиш тўғрисида битим имзоланди. Бу билан Президентимиз Ислом Каримовнинг Буюк Британияга расмий-амалий сафари чоғида имзоланган битимларни амалга татбиқ этиш, шунингдек, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллиги халқ таълими тизими орасида яқин муносабатлар ўрнатиш борасида дастлабки дадил одим ташланди.

Ҳужжатни Британия кенгашининг Анқарадаги идораси маслаҳатчиси Алан Маунфорд, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири Жўра Абдуллаев ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазири муовини Ҳайриддин Маъсудов имзолади.

ФРАНЦИЯДА МАЛАКА ОШИРАДИЛАР

Франциянинг Руаян шаҳрида Ўзбекистон мактаб ўқитувчиларининг бир ойлик малака ошириш ўқиши бошланди. Андижон, Бухоро, Тошкент, Нукус ва бошқа шаҳарлардан сафарга йўл олган 16 ўқитувчи тил ўргатиш аудиовизуал усули мактабида сабоқ олади. Бу имкониятни Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси яратди. Элчихона иккала мамлакат ўртасида маданий ҳамкорлик дастурини амалга ошириш юзасидан анчагина иш қилди. Жумладан, элчихонанинг саъй-ҳаракати туфайли Тошкентда француз тили ахборот маркази ташкил этилган.

Ўзбек ўқитувчиларининг Франция сафари ҳам мамлакатларимизнинг таълим соҳасидаги алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

ИЖОДКОР ЎҚИТУВЧИЛАР — УЮШМА АЪЗОЛАРИ!

Ҳар бир ўқитувчи ўзига хос ижодкордир. Буни ранг-баранг ўтилган дарс соатлари ҳам тасдиқлайди. Қолаверса, «бир соатлик дарс — буюк бир асардир», деб бежиз айтишмаган. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги республика Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда хайрли ишга қўл урганига икки йил бўлди.

«Республика ижодкор ўқитувчилари ва тарбиячиларининг адабий анжумани»нинг ўтказилишидан мақсад ижодкор ўқитувчиларни руҳлантириш, уларни элга танитиш, қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Натижада шаҳару қишлоқларда яшаб, ёшларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчилар орасида ҳам қалами пишиқ шоирлар, носирлар, драматурглар, болалар адабиёти вакиллари бор эканлиги аниқланди. Улар ижодининг ўзига хослиги таълим-тарбия соҳасини қаламга олишидадир. Бу анжуман яна бир нарсага турткибўлди, яъни ижодлари етук ижодкорлар назаридан ўтган ўқитувчилар жойларда ҳомийлар топиб, илк тўпламларини ҳам нашр қилдирдилар. Уларнинг бир қисми ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилиндилар.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган кенгайтирилган котибият йиғилишида яна 2 нафар қаламкаш ўқитувчимиз уюшма аъзолигига қабул қилинди. Денов туманидаги 21-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Чоршанбе Бойбўсинов (Деҳнавий) билан Бойсун туманидаги ўрта мактаб директори Ғафур Усмоновларни уюшмага қабул қилинганликлари билан қутлаймиз.

Ижодкор ўқитувчиларимизнинг бу ишончни оқлашига тўла ишонган ҳолда, улардан яхши асарлар кутамиз, таълим-тарбия соҳасидаги ишларига омад тилаймиз!

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Пойтахтимиздаги Садриддин Айний номидаги 84-мактабда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг тавсиясига биноан «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ва Давлат мадҳиясини ижро этиш» мавзуида шаҳар мактаблариаро анъанавий кўрик-танлов бўлиб ўтди.

Анжуманни республика халқ таълими вазирининг муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев кириш сўзи билан очди.

Давлат мадҳиясини ижро этиш бўйича шаҳар кўрик-танловида туманлардаги 41-, 49-, 7-, 118-, 147-, 166-, 81-, 292-, 182-, 29-мактаблар ва 51-, 150-, 246-мактабларнинг терма хор жамоалари иштирок этдилар.

Чилонзор туманидаги 182-мактаб-лицейнинг хор жамоаси танлов ғолиби бўлди. Шайхонтоҳур туманидаги 41-мактаб II, Яккасарой туманидаги 118-мактаб III ўринни эгаллади.

Конституцияни ва Давлат мадҳиясини тест асосида ўрганиш бўйича ўтказилган шаҳар кўрик-танловида эса туманлар мактаблариаро ўтказилган кўрик-танловда ғолиб чиққан 33 ўқувчи иштирок этди. Яккасарой туманидаги 118-мактаб ўқувчиси Наргиза Саидова I, Мирзо Улуғбек туманидаги 49-мактаб ўқувчиси Альфия Сулаймонова II, Сирғали туманидаги 7-мактаб ўқувчиси Наргиза Туропова III ўринни эгаллади.

Ғолиб ўқувчилар ва хор жамоаларига эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Д. ХЎЖАЕВА.

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Ҳ. Солиҳов олган суратлар.

БИРИНЧИ МИЛЛИЙ ГИМНАЗИЯ МАКТАБИ

Янги ўқув йили бошида Самарқанд шаҳридаги 49-мактаб миллий гимназия мактабига айлантирилди. Жамоа бунга Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига чуқур амал қилган ҳолда иш юритгани, кейинги йилларда таълим-тарбия ишида туб ўзгаришлар қилгани туфайли эришди.

Мактабда илмий-педагогик ва методик маҳоратни ошириш ўқитувчиларнинг кунлик иш режасига айланганига анча йиллар бўлган. Бугунги кунда билим ўчоғида шаҳар, вилоят ҳамда республика миқёсида ўз иш тажрибалари билан танилган ўнлаб ўқитувчилар ёшларга таълим-тарбия беришмоқда.

Конференция, маъруза, мунозара, саҳна дарслари ижодкор ўқитувчиларнинг кунлик меҳнат фаолиятидан чуқур ўрин эгаллаган. Ўқувчиларни ҳар куни, ҳар соатда ўз дарслари, ўзига хос услублари билан янги-янги оламларга етаклаётган ўқитувчилардан М. Ёқубова, В. Фармонова, Т. Назаров, Б. Ҳамзаева, Т. Турсуноваларнинг фидойилик ва ижодкорликларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ жоиз.

Зиё маскани ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва дарс режаларини тузиш, илғор тажрибаларни ўрганиш ва оммалаштириш, ёш ўқитувчиларга мураббийлик қилиш ва бошқа қатор ташкилий-тарбиявий ишларда катта тажрибага эга. Ўтган йили мактаб Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Математика ва химия-биология фанларини чуқур ўрганишга ихтисослашган бу миллий гимназия-мактабга ўқувчилар танлов орқали қабул қилинади.

Шарофат ТОҒАЕВА,
Самарқанд вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти ўқитувчиси.

****

Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги 3-ўрта мактабда бадиий адабиётга қизиқиш бениҳоя кучли. Шунинг учун ҳам бу мактабда «Ёш ижодкорлар» адабий тўгараги ташкил этилган. Тўгаракда шеър, ҳикоя ёзишга ҳавасманд ўқувчилар дарсдан бўш пайтларида устозлари ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Абдуллажон Йилтиров раҳбарлигида бадиий ижод сирларини ўрганишади.

Суратда: машғулот ўтказилаётган пайт.

Ш. ОРИФЖОНОВ суратга олган.

Расмий бўлим

ТЕСТ — БИЛИМЛАР МЕЗОНИ

(МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим нуфузини ошириш ва истеъдодли ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ кейинги йилларда ўқувчи ва талабаларда ҳосил қилинган билим, кўникма ва малакалар қай даражада ўзлаштирилганлигини тест синовлари асосида аниқлаш мезони маъқул кўрилаётир.

Ўтказилган тажрибалар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тест топшириқлари ўқувчиларнинг билим ва савияси, иқтидорини аниқлашда анча қулай усул бўлиб, ижобий самаралар бермоқда. Илм-маърифат бобида адолат тошу тарозиси сифатида тест синовларига таяниш бу куннинг асосий талабига айланаётир.

«Тест» — инглизча сўз бўлиб, «текшириш, синаш» деган маънони билдиради.

Тест шундай илмий ва амалий усулки, унинг ёрдамида:

а) ўқувчиларнинг ўқув муассасалари—ўрта умумтаълим мактаблари, ҳунар ва педагогика билим юртлари, институтларида ҳосил қилинган билим, малака кўникмалар даражасини;

б) ақлий (интеллектуал) қобилиятларининг ўсиш даражасини;

в) ўқувчининг психологик сифатли — диққат, онг, ўйлаш қобилияти, тафаккур, нутқининг қай даражадалигини;

г) шахсий хусусиятларининг ўсиш даражаси — қатъийлик, тиришқоқлик, мижоз, дилкашлик, қизиқиш, лаёқат ва бошқаларни аниқлашга имкон яратилади.

Барча тестларни 3 та катта тоифага бўлиш мумкин:

1. «Ютуқлар тести» (ёки уларни фанлар бўйича тест-синов топшириқлари деб аташади).
2. Қобилиятни аниқловчи тестлар.
3. Шахсга оид тестлар.

Ҳозирги пайтгача ўқув муассасаларида ўқувчи ва талабаларнинг билим ва кўникмаларини текширишнинг оғзаки ва ёзма усули кенг тарқалган усул эди. Баҳолашдаги аниқ мезоннинг ишлаб чиқилмаганлиги сабабли ўқитувчилар ўқувчилар билимини турлича усуллар ёрдамида баҳолаб келдилар.

Фанлар бўйича тест-синов топшириқлари янги замонавий ва энг асосий самарали шакл бўлиб, афзалликлари қуйидагилардан иборат:

а) дастур асосида ўтилган материални қамраб олиш;

б) ўқувчиларнинг, улар қанча бўлишидан қатъи назар, билимлари бир вақтнинг ўзида тез ва аниқ синаб кўрилади;

в) ўқувчиларнинг билими холисона ва реал баҳоланади;

г) тест ўтказиш ва текшириш учун кам вақт сарфланади;

д) натижалар умумлаштирилганда, қайси боб, қайси бўлимда қандай хатоларга йўл қўйилганлиги аниқланиб, ўқувчиларга ўз-ўзини таҳлил қилиш имкони яратилади;

е) ўқувчи фаолиятида йўл қўйилган камчилик-нуқсонлар қайси мавзуга оидлигига қараб, уларни тугатишга эътибор бериш имконияти туғилади;

ж) эркин ва мустақил фикрлашга имконият яратилади;

з) фанга қизиқиш ортади.

Чорак якунида ёки ўқув йилининг ўртасида қўлланиладиган тест топшириқлари ўша даврга қадар ўқув дастури асосида ўтилган мавзулар бўйича ўқувчиларга берилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниқлашга имкон берадиган топшириқларни ўз ичига олмоғи керак. Ўқув йилининг охирида қўлланиладиган тест топшириқлари эса ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш ёки битириш имтиҳонлари сифатида ташкил қилиниши мумкин. Бу турдаги тест топшириқларини тузишда ўқувчининг иқтидори ва билим савияси инобатга олинади.

Топшириқлар ҳам амалий, ҳам назарий характерга эга бўлиши мумкин яъни баъзи топшириқларда мисоллар орқали назарий умумлашган қоидаларни фарқлашга ҳаракат қилинса, баъзиларида қоидалар ёрдамида амалий мисоллар ўйлаб топилади. Тест топшириқларида тавсия этилган саволлар юксак таълимий ва тарбиявий характерга эга бўлиб, фанлараро ўзаро боғлиқлик ҳам назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчи тўғри жавобни топиш учун мушоҳада юритар экан, шу вақтнинг ўзида бошқа фанларга оид қоидаларни ёдига тушириб ўрганиб олади.

Тест топшириқларида А, Б, С, Д, Е тарзида жавоблар илова этилади. Жавобларнинг барчаси у ёки бу даражада берилган савол ва топшириқларга яқин бўлиши, тўғри жавоб топшириқларнинг фақат биттасида масала тўла ва аниқ ёритилиши кўзда тутилади. Ўқувчи тўғри жавобни аниқлаши ва берилган ҳарфни қалам билан доира шаклида белгилаб қўйиши керак.

Ўқувчи қўлига тест варақаси билан баробар унинг шахсияти ҳақида маълумот берувчи очқич варақаси берилади. Синалувчи тест топшириқлари матнидаги бир неча жавобдан қайси бирини тўғри деб ҳисобласа, унинг белгисини ўзининг жавоб варақасидаги тегишли катакка қайд этиб қўяди.

ВАРАҚАНИНГ КЎРИНИШИ ШУНДАЙ БЎЛАДИ

Предмет номи

Синф

Ўқувчининг исми

ва шарифи

1 2 3 4 5 6

Топшириқлар

Д С Е А В С

Жавоблар

Оддий усулда ва электрон-ҳисоблаш машиналаридан фойдаланилганда тест топшириқлари асосида ўтказилган имтиҳонлар синалувчиларнинг ўқув дастури асосида ўзлаштирган билими, малака ва кўникмаларини холис ва одилона баҳолашни тақозо этади. ЭҲМда ўқувчи ва талабалар билимини синашнинг афзаллиги шундаки, синалувчида ЭҲМда ишлаш кўникмаси ҳосил қилинади, иқтисодий тежамкорликка олиб келади. Умумий шарт-шароитлар яратилиб, синаувчилар билим даражаси қарийб баравар бўлган 15 кишилик гуруҳга бирлаштирилиб, уларнинг ҳар бири алоҳида партага ўтказилади. Имтиҳон ўтказиладиган хона диққатни чалғитадиган барча буюмлар ва ёзувлардан холи бўлиб, етарли даражада ёритилган, баҳаво бўлмоғи лозим. Хонада бошқалар эътиборини тортиши мумкин бўлган бирорта хатти-ҳаракат бўлиши, баланд гапириш мумкин эмас.

Ўқув йили давомида ва чорак якунида ўтказилган синовларнинг ҳар бир топшириғи учун 1,5 дақиқа ҳисобидан 1 ўқув соатига мўлжалланиб, 25—30 та топшириқ бўлиши мумкин. Синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонлари 2 ўқув соатига мўлжалланиб, 50 тагача топшириқни ўз ичига олмоғи керак. Тест ўтказиш жараёнида фақат ташкилий англашилмовчиликларга оид саволларга жавоб берилиб, фанга оид саволларга жавоб қайтарилмайди.

Тест-синов топшириқларини компьютерда ўтказиш имкони бор жойларда имтиҳонга 15 кун қолгунга қадар 10 кишилик гуруҳга мўлжаллаб компьютер синфи (хонаси) жиҳозлаб, шай қилиб қўйилади. Тест-синов топшириқлари ва уларнинг калитлари ҳамда жавобларнинг баҳолаш мезони, ҳар бир топшириқ учун ажратилган вақт компьютер хотирасига жойлаштирилади. Тест топшириқларини бажариш учун 1,5 дақиқа вақт ажратилади.

Ҳар бир гуруҳ синовдан ўтиб бўлгандан сўнг хона тўлиқ бўшатилади, сўнг бошқа гуруҳ таклиф қилинади. Техника учун жавобгар муҳандис ва имтиҳонга масъул киши синалувчилар кўз ўнгида компьютерга топшириқларнинг янги вариантини жойлаштиради, имтиҳон учун берилган вақт, унинг қачон тугаши, риоя қилиниши лозим бўлган тартиб-қоидаларни қисқача яна бир бор эслатади ва белгиланган дақиқада синов бошланганлигини эълон қилади.

Компьютерда кўрсатилган натижа ва баҳо ўқувчининг имтиҳон варақасига қайд этилади ва камида 2 кишидан иборат имтиҳон олувчининг имзоси билан синалувчининг қўлига қайтариб берилади. Синалувчи бу варақани барча имтиҳонларга якун ясалгунга қадар сақлаши лозим.

Ўқувчи ва талабаларга берилаётган билим, ҳосил қилинаётган билим, кўникма ва малакалар қай даражада ўзлаштирилганини аниқлаш ва баҳолаш ўқувчи ҳамда талабалар учун ҳам, ўқитувчи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фанлар бўйича тест усулини қўллаш ўқувчи ва талабаларнинг билимини ўлчовчи бир мезон бўлиб, унинг натижасига кўра ўқитувчининг касб маҳоратини аниқлашга ҳам имкон беради.

Тест-синов усулини қўллашнинг моҳиятига қараб, ўқитувчи қайси мавзуни чуқурроқ ўтиши лозимлигини англайди. Ўқувчи эса қийналган топшириқ ва мавзулар устида кўпроқ ўқишга ҳаракат қилади.

Республика халқ таълими тизимлари учун тест топшириқларини тузиш ва қўллашга нисбатан жаҳон тажрибалари ҳамда маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда муайян давлат стандарти ишлаб чиқиш имкони туғилади.

Мактаб ўқувчилари билимини аниқлаш мезони қуйидагича бўлади. Агар ўқувчи тест-синов топшириқларининг 85 фоиздан кам бўлмаган миқдорини тўғри бажарса, унга «5», 70 фоиздан 84 фоизгачасини бажарса, «4», 50 фоиздан 69 фоизгачасини бажарса, «3», 49 фоиздан камини бажарса, «2» баҳо қўйилади.

Олимпиада ғолиблари қуйидаги мезон асосида аниқланади:

Олимпиада иштирокчиси тест топшириқларининг 85 фоиздан ортиғини тўғри бажарса, биринчи ўринга даъвогарлик қилади. (Тест топшириқларини 85 фоиздан ортиғини бажарган иштирокчилар сони 3 нафардан кўп бўлса, фахрий I—II ўринлар ушбу иштирокчилар тўплаган балларга қараб белгиланади).

Агар иштирокчи вазифанинг 75 фоиздан 84 фоизгачасини тўғри бажарса, II ўринга даъвогар бўлади. (Тест топшириқларини 75 фоиздан ортиғини бажарган иштирокчининг сони икки-уч нафардан ортиқ бўлса, II—III ўринлар ушбу иштирокчиларнинг тўплаган балларига қараб белгиланади).

Иштирокчи вазифанинг 70 фоиздан 74 фоизгачасини бажарса, III ўринга даъвогар бўлиши мумкин.

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ — МЕТОДИКА МАРКАЗИ.

Мактаблар ҳаётидан

Шайхонтоҳур туманидаги 41-ўрта мактабда иқтисодий таълим муаммоларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда асосан ушбу билим даргоҳида ташкил этилган 1-иқтисод синфининг янги ўқув режаси ва шу асосда икки чорак давомида амалга оширилган иш натижалари муҳокама қилинди.

Даставвал, олимлар, мутахассислар, илғор муаллимлар жажжилар томонидан яратилган, йилнинг тўрт фаслига мослаб безатилган синф хонасини томоша қилдилар, ўғил-қизларнинг ҳар соҳага оид бурро-бурро жавобларини эшитишди. Сўнгра шу синфнинг илмий раҳбари — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти докторанти Зуҳра Валиеванинг ҳисоботини тингладилар.

ҲАЁТ — КАШФИЁТЛАР ОЛАМИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қарорига мувофиқ жорий ўқув йилидан 41-мактаб базасида 1-иқтисод синфи фаолият кўрсата бошлади. Унга 15 ўғил, 8 қиз танланмасдан қабул қилинди. Ўқитувчи ҳам худди шу тартибда олинди.

Албатта, бу тартибга кўпчилик ҳайрон бўлди. Олимлар томонидан илгари сурилган ғоя — танлаб ўқитиш йўлидан борилмади. Ҳаёт ўқувчиларни бошланғич синфданоқ табақалаштириб ўқитиш нотўғрилигини кўрсатяпти. Негаки, истеъдод, қобилият ҳар бир ўғил-қизда бор, фақат уни юзага чиқара олиш лозим.

Аслида ҳамма иш ота-оналар билан баҳамжиҳатликда ишлаш, ўз касбининг фидойиси бўлиш билан боғлиқ. Фидойилик эса ҳар бир инсонга хос бўлган хусусият, фақат уни жўшқинлик, иродалилик фазилатлари билан уйғунлаштира билмоқ керак.

Иш муқаддимасида ана шу тамойилга амал қилинди. Ҳозирги кунда илм масканида ўқувчиларга иқтисодий билим кўникмаларини неча ёшдан бошлаб ўргатиш лозим, ўқитувчи иқтисодчи бўлиши зарурми каби иш жараёнида юзага келган саволларнинг ечими топилган. Дастлабки натижаларнинг чакки эмаслигини шу ерда иштирок этаётганлар ўз кўзлари билан кўришди. Шунингдек, ўқувчилар қўли билан «Йил фасллари» ўқиш китоби, «Ҳарфлар мамлакатида» эртаклар китоблари яратганлигининг гувоҳи бўлишди.

Иқтисод синфида математика, тил, биология фанлари, иқтисодиёт, маънавият сабоқлари интеграциялаштириш — фанларни ўзаро уйғунлаштириш усулида, дарс жадвалисиз олиб борилади. Ҳар жума «Ишбоп ўйинлар» куни ўтказилади. Албатта, воқеа синф ҳаёти билан боғлиқ бўлади. Бунда ўқитувчи иқтисод соҳасидаги лаёқатини намоён этади.

Йиғилишда педагогика фанининг етук билимдони, профессор Комилжон Ҳошимов, Республика ўқув-методика маркази директори Шомухтор Шомансуров ва бошқалар иқтисод илми, фанлар интеграцияси, интенсив таълим, бола тарбиясида ота-оналарнинг иштироки, 1-иқтисод синфининг истиқболлари ҳақида сўз юритдилар.

Биз йиғилиш сўнггида шу соҳа мутахассиси, Республика ўқув-методика марказининг тарбия ишлари бўлими мудири Раиса Йўлдошевадан 41-мактабда бошланган эзгу ишнинг ибратли жиҳатлари ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Иқтисод синфида барча ишлар комплекс асосда олиб бориляпти. Бу даргоҳ ўғил-қизларнинг иккинчи уйига айланган. Улар шу ерда таълим оладилар, овқатланадилар, ўйнайдилар, фикрлайдилар, яратадилар.

Иқтисод синфининг ибратли жиҳатлари кўп. Масалан, улар ўз мадҳияси, рамзи, байроғига эга. Мадҳияда жамоанинг орзу-интилишлари ўз ифодасини топган. «Уйғониш» иқтисодга йўналтирилган ўқув комплексининг эмблемаси Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳамда сакрашга чоғланган қоплон тасвиридан иборат. Қоплон ўқув комплексининг рамзи бўлиб, бир ҳамла билан олий мақсад (иқтисодий баркамолликка)га ва кўзланган ниятга эришиш маъносини англатади.

Жамоанинг байроғига ҳам эҳтиёткор, олғир, ушлаган нарсасини қўйиб юбормайдиган қоплон тасвири туширилган. Улар бунга бўлажак иқтисодчиларнинг фазилатларини, тадбиркорлик хислатларини сингдиришни ўйлашган. Байроқнинг оқ рангдалиги эса ўқув комплексининг фақат инсонпарварлик ғоясига хизмат қилиши ва тинчлик учун курашишига, фақат виждонли, оқкўнгил кишиларнинггина иқтисод ва тижорат жабҳасида ҳалол ва чинакам фойда кўра олишларига ишорадир.

— Маълумингизким, бу синфдаги ўқишлар интенсив ва интеграция усулида олиб борилар экан. Бундан ўғил-қизлар толиқиб, чарчаб қолишмайдими?

— Қаердаки, учрашувлар ўтказилса, ўқувчиларнинг чарчаши, зерикиши хусусида сўз очилади. Тўғри, уларнинг чарчаши олдини олиш керак. Бироқ иқтисод синфида масаланинг бу жиҳатлари пухта ўйланган. Боя эслатганидек, ўқиш дарс жадвалисиз олиб борилади. Ўқитувчи вазиятга қараб иш режасини ўзгартиради. Фаолият ўзгариб тургандан кейин бола чарчамайди.

— Ҳозир иқтисод синфи натижалари бўйича бирон-бир фикр ёки хулосага келиш мумкинми?

— Ҳаёт — кашфиётлар олами. Унда фақат ташаббус кўрсатиб, тажрибалар асосида фаолият кўрсатиш талаб этилади. Илм масканида шу тамойилга тўлиқ амал қилиняпти. Йиллар ўтиб, ушбу маскан иқтисод мактабига айланса, бу ишга бош қўшган фидойи инсонларни мамнуният билан эслаб юрсак, ажаб эмас. Демак, уни ҳозирча шартли равишда иқтисод мактаби деб аташга етарли асослар бор.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

Бўсағадаги ўйлар

АДАБИЁТ ЎҚИТУВЧИСИ БЎЛСАМ...

11-синфни битириш арафасида турибмиз. Табиийки, бу даврда ўсмирлар олдида «Ким бўлсам экан?» деган савол кўндаланг туради. Негадир тенгдошларим бу борада унчалик ташвишланмаётганга ўхшайдилар. Қачонки, уларнинг суҳбатини тингласам, севган мавзулари кино, кийим-кечак ва бойлик орттириш. Бу мавзулар ҳозирга кунда долзарб ҳисобланса-да, мустақил ҳаёт бўсағасида турган ёшларнинг фикру ўйи улардан холироқ бўлгани маъқул. Нега деганда, инсонга ҳақиқий мол-мулк ҳам, рисоладагидек яшаш шароити ҳам илму маърифат орқали келади.

Ўзим мусиқа ва адабиётга қизиқаман. Адабиёт ўқитувчиси бўлгим келади. Ўқувчиларимга адабиёт ҳақида гапириш баробарида шеърият ва бадиий адабиёт ҳақида тўлқинланиб сўзлаб беришни орзу қиламан. Болаларга шеър ёдлатишни эмас, балки мутолаа этишни ўргатгим келади.

Дилафрўз ДАВУРБОЕВА,
Чиноз районидаги 45-ўрта мактабнинг 11-синф ўқувчиси.

Тарбиянинг аввали

ҲАР КИМ ЭККАНИНИ ЎРАДИ

Ўн тўққиз йиллик ўқитувчилик фаолиятимнинг ярмидан кўпи кечки мактабда ўтяпти. Шуни таъкидлаш жоизки, таълимнинг бу тармоғига кўпчилик ҳануз бошқача назар билан қарайди. Улар наздида кечки мактабда «қулоқ»сиз, одобсиз болалар ўқишади-ю, тажрибасиз, уқувсиз ўқитувчилар ишлашади.

Икки йил бурун ўқитувчиларга тоифа бериш пайтида туман халқ таълими бўлими қошида тузилган махсус гуруҳ ҳузурига киришимга тўғри келганди. Шунда мактаб директорларидан бири мендан «Нега кундузги мактабга ўтиб ишламайсиз», деб қолди. Бундан: «Билимли ўқитувчи кечки мактабда ишлайдими?», деган маънони уқдим.

Ўшанда мени олий тоифага лойиқ кўришмагани эмас, балки кўпгина муаллимларимизнинг ўқувчига юксак билим бериш билан мақсад амалга ошаверади, деган тушунчада эканлиги ташвишга солганди. Шу тушунчага асосланиб ўқитган болаларимизнинг айримлари ўзгалар меҳнатини қадрламайдиган ёшлар бўлиб чиқаётганлигини наҳотки инкор этсак?

«Билимнинг асосий мақсади ўқувчини ўз ички моҳиятига эътибор беришга ва қадр-қимматини биладиган бўлишга ўргатишдан иборат бўлиши лозим»,— деган эди XX аср ҳинд маърифатпарварларидан бири Рабиндранат Тагор. Кўриниб турибдики, эндиликда биз тарбияга кўпроқ эътибор қаратишимиз, ўқувчини ўз қадр-қимматини англашга одатлантиришимиз зарур. Шундагина болаларимиз бошқаларнинг қадрига етадиган бўлиб ўсадилар.

Тўғри, кечки мактабга ўқишга келганлар ичида тарбияси оғир болалар ҳам бор. Дилдан суҳбатлашсангиз, улар биз ўйлаганчалик «тарбияси бузуқ» эмаслигининг гувоҳи бўласиз.

1992—93 ўқув йилида туманимизда ягона бўлган кечки мактабнинг 4 та синфи ёпиб қўйилди. Бунга мактаб назоратчиси ва маориф иқтисодчиси синфда ўқувчилар дарсларга тўлиқ қатнашмаётганини сабаб қилиб кўрсатишди. Эҳтимол, ҳозирги бозор иқтисоди шароитида айрим синфларни қисқартириш ўринлидир. Лекин бундай «тежамкорлик» таълим тарбияга чанқоқ болалар ҳисобига бўлмаслиги лозим деб ўйлайман. Тўғри, исмини ёза олмайдиган болани ўқитишдан нима наф бор, дейдиганлар ҳам учрайди. Ана шундайларга мактаб билим ўчоғигина эмас, тарбия маскани ҳам эканини эслатишни лозим кўрардим. Ўша болалардан, эҳтимол, ихтирочи чиқмас. Аммо бир нарса аёнки, қаерда ва қайси шаклда бўлмасин, болаларга яхши тарбия берилса, улар жамият, халқ учун хизмат қиладиган кишилар бўлиб чиқиши муқаррар. Мактаб болани олим қилганда эмас, эзгуликка йўллаганда ўз вазифасини ўтаган бўлади.

Ҳар йили кечки мактабга янги келганларга биринчи дарсимни «Тухум ўғирлаган бола» ҳақидаги ибратли масалдан бошлайман. Унинг ғояси бевосита ота-онани ҳурматлашга, фарзандлик бурчини адо этишга ва таълим-тарбияга қаратилган. Ўқувчиларим аста-секин масалдан тўғри хулоса чиқариб оладилар, уларнинг аҳлоқида ҳам кескин ўзгаришлар бўлади.

Муаллим бола учун ота-онадан кейинги тарбиячи. Бироқ кейинги йилларда тўқликка шўхлик қабилида иш тутиб, «Болани боқиш, кийинтириш биздан, тарбиялаш сизлардан», дейдиган ота-оналар ҳам кўпайиб кетди. Оқибатда ёшлар тарбиясига завол етди. Баъзи ота-оналарнинг эса ўзлари тарбияга муҳтождирлар. Шундайлар бош бўлган оилаларда тарбия топган боладан келажакда яхши одам чиқиши даргумон. Афсуски, «Нимани эксанг, шуни ўрасан», деган ҳикматга ишонмайдиган ота-оналаримиз, муаллимларимиз ҳам бор.

Бирор кимсага нафи теккан фарзандга «Отангга раҳмат, устозингга балли», дейишади. Борди-ю, фарзанд номаъқул иш қилиб қўйса, «Падарингга лаънат», дейишади, айни чоғда устозини ҳам қуруқ қолдиришмайди. Гап таълим-тарбиянинг янгича омилларини шакллантириш хусусида боракан, ҳар бир ота-она ёшларимизнинг эртанги тақдирини ўйлаб иш қилсалар, яхши бўларди.

Турсунали ПИРНАЗАР,
Ўзбекистон туманидаги 1-кечки мактаб ўқитувчиси.

Ранго-ранг олам

Ғиёсиддин ХОНДАМИР

ҲАБИБ УС-СИЯР

ҚАЛДИРҒОЧ — қушлар ичида жуда ёқимли ва у ҳақда жуда кўп ривоят, далиллар мавжуд. Масалан, қалдирғочнинг кўзини ўйиб олсалар, яна ўсиб чиқади. У болаларини ашаддий душмани бўлган кўршапалакдан асраш учун қурган уясида карафс (махсус ҳидга эга бўлган ўсимлик, чаён чаққан киши карафсдан еган заҳотиёқ ўлади — Ҳ. Қ.) солиб қўяди, чунки кўршапалак карафс ҳидидан қочади. Агар қалдирғоч боласини заъфарон (сариқ рангли ўсимлик) рангига бўяб қўйсалар, у яроқон касалига чалинган деб ўйлаб, шу заҳотиёқ учиб кетиб, яроқон тошини олиб келади. Бироқ Хожа Носириддин Маҳмуд Тусий ушбу далилга асос йўқлигини ўз асарларининг бирида баён этган. Кунлардан бирида бир киши менга қуйидагиларни ҳикоя қилди: «Бизнинг уйимизда қалдирғоч уя қурган эди, мен уни буздим. Қалдирғоч учиб келиб ўз уяси бузилганлигини кўриб фиғон кўтарди, қанотларини тез-тез уриб товуш чиқарди. Шундан кейин жуда кўп қалдирғочлар тўпланишди. Ҳаял ўтмай тумшуғи, чангалларида бир сиқим-бир сиқим лой билан учиб келиб, қалдирғочлар ўша бузилган уйнинг ўрнига бир лаҳзада бошқа уя қурдилар ва уяси бузилган қалдирғоч янги уяга кириб тухум қўйди».

Қалдирғоч ҳақидаги қизиқ воқеалардан яна бири шуки, Султон Ҳусайн Мирзонинг содиқ кишисининг ҳикоя қилишича, кунлардан бирида Султон Аҳмад Мирзонинг Гозургоҳдаги қароргоҳига борганимизда бир қалдирғоч уясини кўрдик. Шунда бир илон қалдирғоч болаларини ейишга интилди. Она қалдирғоч эса зудлик билан уясидан чиқиб, илон уяга яқинлашгунга қадар қайтиб учиб келиб, унинг оғзига бир нарсани тиқиб қочди. Илон ҳолсизланиб уй шиптидан пастга тушиб кетди. Барчамиз туриб илонни ўлдирдик ва унинг оғзини очиб кўрсак, юмалоқ тиканак чиқди. Шундай қилиб, қалдирғоч болаларини ўлимдан асраб қолди. Бу воқеага қанчалик ишониш қийин бўлишига қарамасдан, энг ишончли ва обрўли кишилар тилидан эшитганимиздан кейин, бу қизиқарли лавҳани баён этиш учун қалам сурдик ва зикр этдик.

АККА (олақарға)—ўғрилик ва хиёнат қилиш билан машҳур. Ўз тухумини дарахт барглари билан бекитиб, кўздан пана қилади. Емишларини ҳам яширади. Айтишларича, одамдан, акка, сичқон, чумолидан ташқари бирон жонзот ўз овқатини яширмайди.

ҒУРОБ (қора қарға)— бир неча хили бор. Барча хилининг умумий хусусияти шундаки, одамлардан яшириниб, ҳеч ким кўрмайдиган ва билмайдиган жойда бирбири билан жуфтлашади... Энг ғариб жиҳатларидан яна бири шуки, ғуробнинг боласи тухумидан чиқиши билан шунчалар чинқириб йиғлайдики, ота-онаси бир неча кун яқинига келмайди. Шу аснода раззоқи Алиуллоҳи таоло иноятй билан унинг уйига озиқа бўлгули таом юборади ва ғуроб болалари ундан озиқланиб кучга киради. Бу болалар пат чиқаргандан кейингина ота-оналари келиб, уларнинг ҳолидан хабар оладилар.

Амир Камолиддин Ҳусайн Абивардий дейдиларки, Миср бозорида бир қушчини кўрдим, қўлида ғуроби бор эди, ҳар дафъа «Ё ғуроб ваҳд-ал-оллоҳ» деганда ғуроб «Ло илоҳа иллоллоҳ», дер эди.

ТУРНА — оёқлари узун, ҳубобли, катта жонивор. Ҳавода учганида кимдир қўлини кўтарса, қўрқиб, бошқа томонга қараб учади. Бироқ жуда яхши хислати бор: агар онаси қариса, уни ташлаб кетмайди, қаерга учиб борса, ўзи билан бирга олиб боради, овқатидан хабар олиб, боқиб туради.

ҲУБОРИЙ — ёввойи қуш, ўрдаксимон, форслар «тақдирий» ҳам дейдилар. Жуда тез учади. Масалан, бир киши Басрадан ҳуборийни овлади ва Шом вилоятининг Чинадониший даҳасидан топди. У ризқ-рўзи учун жуда талашади, топмаса очликдан ўлади. Ҳатто шундай мақол ҳам бор: «Тақдирийнинг баднафслиги — ўлимининг сабаби» («Олати ҳарби тақдири афгандаи вай аст»). Ҳар қандай жониворни олдида кўрса, ўйламасдан унга ташланади. Агар ҳуборийнинг танасидан бирон пати узилиш ҳолатида бўлиб, тушмаса ғуссадан ўлади. Овчиларнинг фикрича, ҳуборийнинг гўштичалик мазали қуш гўшти мавжуд эмас.

ЎРДАК — мода ўрдак тухумини босиб ётган пайтида эркак ўрдак бир лаҳза бўлса ҳам унинг ёнидан кетмайди ва ойнинг охирида бола чиқаради. Ўрдак йиғлагансимон қичқиришни хуш кўради.

САМАНДАР — олов ўртасида вужудга келадиган қуш. Унинг пат ва қанотлари оловда куймайди, баъзан танасидан олов учқунлари сачраб, ўтинларга тушади. Самандар олов ўртасида ўз боласини дунёга келтиради. Айтишларича, у минг йилгача умр кўради. Бу воқеадан хабардорларнинг айтишларича, самандар ўз ажали етишини билгач, жуда кўп ўтин тўплаб, ёндириб ўзини куйдирар ва маълум муддатда ёмғир ёғиб, ўтинлар кулга айланганда, кул орасидан янги самандар вужудга келар экан. «В-ал оламу андауллоҳу таоло».

КЎРШАПАЛАК — таъриф этишга арзигулик, ғаройиб қуш. Жумладан, унинг қулоғи, тиши, пистони, қушларга хос тумшуғи (нўли), хассияси бор. Модаси ҳайз кўради. Бошқа қушларга мутлақо ўхшамай туғади, боласини сути билан боқади, нажас чиқаради, кулади ва одамларга ўхшаш умри узоқдир. Унинг бир кеча-кундуз учиш вақти икки соат. Бу вақт субҳи содиқ бошланишидан қуёш чиққунга қадар ва офтоб ғурубидан кейин шафақ тугагунга қадар. Кўршапалак учишга чиққан вақтида турли ҳашаротларни еб, овқатланади. Айрим билимдонларнинг фикрича, кўршапалак асли Исо алайҳиссалом қарғишига учраб инсон қиёфасидан шу махлуққа айлантирилган экан, шунинг учун унинг хислатлари бошқа қушларга ўхшамас эмиш.

Булардан ташқари қушлар ҳақида бошқа қисқа-қисқа маълумотлар ҳам мавжуд.

АЙТИШЛАРИЧА: Нил дарёси соҳилларида боши оқ, қолган жойлари қора қуш бор эмиш. Бу қуш ўша манзилдан бошқа жойга бормас ва фақат шу дарё балиқларини ер ва учаётган пайтида жуда аниқ тарзда «иллоҳу фавқул-фавқ» деб товуш чиқарар ва буни ҳамма аниқ эшитар эди.

ВА ЯНА: Мағриб ҳудудида бир қуш бўлиб, уни «қорун» дер эканлар. Қорунлар биргалашиб учар ва гоҳида уларнинг қатори хавфли жойга етар ва ёки учишлари бир жойга бориб етганда хавфни сезгач, уч марта қаттиқ қичқиришар, шунда ўша заҳотиёқ кемачилар бу хавфни сезиб, ёрдамга шошилар эканлар.

ВА ЯНА: Табаристон ҳудудида жуда қизиқ қушлар мавжуд, у ҳам бўлса бир хил кўрқушлар дарахтга қўнган бўлиб, бошқа кичик жуссали, чумчуқсимон қушлар келиб пашша, чивинларни териб, бу кўр қушлар оғзига берадилар. Бу ҳол қоронғи тушганга қадар давом этади. Шунда кўр қушлар уларни боққан кичик қушчаларни ушлаб ейдилар.

ВА ЯНА: Зангбор вилоятида шундай қуш мавжудки, у кофар дарахти устида тухум қўяди. Унинг тухумини ейиш учун қасд қилиб илон дарахтга чиқар экан, шунда қуш тухумини олиб мўлжал қилиб илоннинг кўзига шундай қаттиқ урар эканки, унинг кўз гавҳари косасидан чиқиб кетар экан, аммо ерга тушган тухум синмас экан. Бу қушнинг боласи тухумдан чиққан заҳотиёқ, у тухум пўчоғини боласи атрофига қўяди, буни кўрган илон жўжага ҳеч ҳам яқинлашмайди. Бу қуш кофар дарахтидан бошқа бирон дарахтга ин қўймайди.

ВА ЯНА: Ҳиндустонда бир қуш бўлиб. оғзи жуда каттадир. У оғзига сув олиб тоғ чўққисига учиб боради, уни кўрган бошқа қушлар ҳам эргашиб учадилар. Шунда оғзи тўла сувли қуш келтирган сувини қушларга улашади, улар учадилар. Сув тугагач, у яна шу машғулотини давом эттиради.

ВА ЯНА: Зангбор вилоятида илон билан овқатланувчи қуш бўлиб, у илоннинг думидан тишлаб олади ва учади, агар илон унинг жонига қасд қилгудек бўлса, ер ва осмон ўртасида уни қўйиб юборади ва зудлик билан учиб тушиб, ҳавода илонни яна ушлаб олади ва юқорига парвоз қилади. Бу ишини бир неча марта давом эттирганидан сўнг, энг баланд нуқтага чиқиб илонни ерга ташлаб юборади, у ерга урилиб парчаланиб кетади, шунда қуш уни ейишга тушади. Бироқ бу қуш илоннинг боши ва думини ҳеч емайди, чунки уни еса кўр бўлади.

ВА ЯНА: хурм ва баёнда шундай қушлар мавжудки, Наврўз кунида одамлар орасида пайдо бўлсалар, ўша йили қаҳатчилик ва фалокатлар юз беради. Ҳеч вақт бу ҳодиса бўлмасдан қолган эмас.

ВА ЯНА: «Ажойибул-хилвақоти бугул»да зикр этилишича, бир қуш ҳар йили ашўро тантаналари куни Имом Ҳусайн алайҳиссалом машҳадларига қўниб, эрталабдан кечгача нолаю фиғон этар ва кечга яқин учиб кетар экан. Кейин бутун йил давомида ҳеч ким қайтиб бу қушни кўрмаган.

ВА ЯНА: Булғор диёрида тумшуғи узун қуш бор. Бурни тагидаги тумшуғи олти ой ўнг томонга, олти ой чап томонга мойил бўлади. Бу қушнинг тухумини муз ва қор устига қўйсалар, эрийди. Бир мўътабар китобда ёзилишича, Рум дарёси ҳавзасида «Жазиратул-таюр» («Қушлар ороли») мавжуд бўлиб, унда 130 хил ажойиб ва нодир хислатларга эга қушлар борлиги зикр этилган.

Бундай ғаройиб хислатли воқеа-ҳодиса дунё бурчакларининг кўпида содир бўлади. Уларнинг барчасини тасвирлаш учун инсон умри етмайди ва унинг имкони ҳам йўқ.

Форс тилидан филология фанлари номзоди Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ таржимаси.

Охири. Боши газетамизнинг ўтган сонларида.

Мумтоз матнлар

Рубрикани Маҳмуд САЪДИЙ олиб боради

ТИЛАК

Йиллар давомида халқимиз ўз тарихидан, ота-боболари ким бўлганидан бехабар қолдилар — манқуртларга айландик. Эндиликда, истиқлол насиб этган экан, маънавий асоратдан қутулишимиз даркор. Бунинг учун ҳар бир ўзбек ўзлигини англамоғи, яъни ўз тарихини, ота-боболари кимлигини танимоғи, улуғ аждодлари билан фахрланмоғи керак. Бу эзгу туйғуни болалар қалбига сингдириш ҳар бир муаллимнинг муқаддас бурчидир.

Янги йилдан бошлаб газетамизда «Мумтоз матнлар» рукни остида эълон қилиниб борилаётган диктант ва баёнлар матнлари ҳам бу борада жуда фойдалидир. Бир тилагимиз — биз ўқитувчиларга ёрдам сифатида матнлар олинган манбалар, муаллифлар ҳақида маълумотлар берсангиз. Чунки ўқитувчи диктант ёки баён олишдан аввал муаллифлар тўғрисида ўқувчиларни хабардор қилса, болаларнинг билими бойир, улар улуғ одамларнинг мазмунли ҳаёт ва фаолиятларидан ўрнак олишар, кўзлари каттароқ очиларди. Шунда фарзандларимизда ватанпарварлик, фахр туйғулари ўсар эди.

Машҳура МУЗАФФАР қизи, Муаттар ТУРОБОВА, Тошкент шаҳридаги 283-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчилари.

Муаллималарнинг истак-хоҳишини эътиборга олиб, газетамизнинг 19 январь сонида фикралари босилган буюк аллома Ҳусайн Воиз Кошифий ижоди ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.

Ҳусайн Воиз Кошифий Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий даврининг ёрқин сиймоларидан биридир. Замонасидаги барча илмларнинг билимдони бўлган бу аллома воиз, мударрис сифатида кенг шуҳрат қозонди. Профессор Ҳамиджон Ҳомидовнинг ёзишича, Кошифийдан математика, тарих, астрономия, ахлоқ, фалсафа, адабиёт, нужум, тарбия, наср ва назм назарияси, иншо қоидаларига доир 37 асар мерос бўлиб қолган. Улар орасида «Искандар ойнаси», «Ахлоқи Муҳсиний», машҳур ҳинд масаллар китоби — «Калила ва Димна»нинг мутлақо қайта ишланган янги форсий нусхаси «Анвори Суҳайлий», илми нужумга доир етти рисоладан иборат «Сабъи Кошифий», мактуб ёзиш ва иншо битиш санъатига бағишланган «Махзан ул-иншо», ҳисоб илмига оид «Рисола дар илми аъдод», мурувват ва жавонмардлик борасидаги «Футувватномаи султоний», «Саҳифаи Шоҳий», «Равзат ус-шаҳидо» («Шаҳидлар боғи»), «Рисолаи Ҳотамия» каби асарлар Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам машҳур. Бу китобларнинг аксарияти илмий-таълимий рисолалардир.

Кошифий асарлари халқимиз маданияти тарихида муҳим ўрин тутади. Алломанинг беҳо китоблари асрлар мобайнида аслиятда ҳам, она тилимизда ҳам каттаю-кичик томонидан севиб ўқиб келинмоқда. Айниқса, адибнинг Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Абдулмуҳсин Мирзога бағишланган «Ахлоқи Муҳсиний» асари Шарқда кенг тарқалган. Қирқ бобдан иборат бўлган бу китобда адиб ибодат, ихлос, ҳаё, шафқат, адаб, ҳиммат, сабот, адл, яхшилик, аҳдга вафо, диёнат каби инсон камолоти учун зарур сифатларни таърифлайди. «Ахлоқи Муҳсиний» инглиз, немис, ўзбек, турк тилларига таржима қилинган.

Ҳусайн Воиз Кошифийни Алишер Навоий юксак қадрлаган. «Оз фан бўлғайким, дахли бўлмағай (яъни, у билмаган фан йўқ.—Ред). Хусусан, ваъз, иншо ва нужумки, анинг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари бор», дейди Кошифий ҳақида Навоий. Адибнинг «Тафсири Ҳусайний», «Жавоҳир ут-тафсир ал-туҳфат ул-Амир» китоблари Алишер Навоийга бағишланган.

Мустақиллик шарофати билан Кошифий асарлари яна ўзбек тилига таржима этилмоқда. Ўтган йилнинг аввалида «Шарқ юлдузи» журналида алломанинг «Футувватномаи султоний» (форсчадан Нажмиддин Комилов таржимаси) рисоласининг каттагина қисми босилди. «Чўлпон» нашриётида эса «Ахлоқи Муҳсиний»дан парчалар «Ким билан дўстлашиш керак» (1992) номи билан нашр қилинди. Китобчани Омонбой Жуманов ўзбекчалаштирган.

Диктант учун тавсия этилаётган мазкур фиқралар ҳам (ўтган сондаги матнлар ҳам) ана шу нашрдан олинди.

КИМ БИЛАН ДЎСТЛАШИШ КЕРАК

Дўстликдан бирон манфаат кўзламайдиган ва беш хил хусусиятга эга бўлган киши билан дўстлашиш керак.

Биринчи: дўст ақлли бўлиши керак. Зеро, ақлсизлик яхшилик белгиси эмас. Донолар «Ақлсиз дўстдан ақлли душман яхши» деганлар.

Иккинчи: дўст хушфеъл бўлиши лозим, чунки бадхоҳлар билан тил топишиш қийин.

Учинчи: дўст бадфеъл бўлмаслиги лозим.

Тўртинчи: у беғараз бўлиши даркор.

Бешинчи: дўст алдоқчи, риёкор, қаллоб бўлмаслиги керак, чунки бундайларнинг дўстлигига ишониб бўлмайди.

Агар сен ҳақиқий дўст топсанг, қуйидагиларга амал қил:

Дўстингдан ҳеч нарсани аяма.

Унинг сирларини қалбингда сақла, ҳеч кимга ошкора қилма.

Одамлардан унинг нуқсонларини яшир, камчиликларини фақат ўзига айт, токи уларни тузатсин.

Унинг гапларига диққат билан қулоқ тут.

Ундан аччиқланма, шунингдек, унинг гапларидан нуқсон излама.

Дўстингга ҳурмат билан муносабатда бўл.

Унинг хушфеъллиги учун миннатдорчилик изҳор эт.

Дўстингнинг ўзи йўқлигида уни доимо яхши сўз билан эсла.

Агар дўстингга бирор нарсани ўргатмоқчи бўлсанг, буни эҳтиёткорлик ва самимийлик билан амалга ошир.

Ҳусайн ВОИЗ КОШИФИЙ

Унинг айбларига эътибор берма, уларни кечир.

Унинг елкасига ўз юкингнинг ортма.

Дўстинг қувонса — сен ҳам қувон, қайғурса—қайғур.

Дўстингга айтадиган биринчи сўзинг унинг учун соғлиқ тиламоқ бўлсин.

Дўстингга бўлган ҳурматингни ҳаддан ошириб кўрсатишга уринма.

Дўстинг гапираётганда гапини бўлма.

Ўзингга нимани раво кўрсанг, дўстингга ҳам шуни раво кўр.

Жамоат жойларида доимо дўстингни олдинга ўтказ ва тўрдан жой бер.

Керак бўлган пайтда дўстингни ҳимоя қил.

Дўстингнинг душманлари билан дўст, дўстлари билан душман бўлма.

ЙИГИТЛИК ХИСЛАТЛАРИ

Йигит киши қандай хислатларга эга бўлиши керак, деб сўрасалар, йигит кишида ушбу ўн хислат бўлиши лозим, деб жавоб бер:

Аввало: халқ ишига сидқидилдан камарбасталик.

Иккинчи: кишиларга нисбатан инсофли бўлиш.

Учинчи: ўз нафсига эрк бермаслик.

Тўртинчи: донишмандларга хизмат қилиш.

Бешинчи: кичикларга шафқатли бўлиш.

Олтинчи: дўстлардан маслаҳат ва насиҳатни аямаслик.

Еттинчи: олимлар қошида камтар бўлиш.

Саккизинчи: доноларга мулойимлик билан муносабатда бўлиш.

Тўққизинчи: душманларга нисбатан шафқатсиз бўлиш.

Ўнинчи: жоҳилларни вазминлик билан енгиш.

СУРАТДА: Касби тумани Ҳамза номидаги мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Ҳалима Носирова ўқувчиси билан.
Б. ИСМОИЛОВ олган сурат.

Мактаб ва экология

ЯКШАНБА ЎҚИШЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Экология ва саломатлик» икки йиллигини ўтказиш тўғрисидаги қарорида 1994—1995 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган саломатликни муҳофаза этиш ва аҳоли генофондини сақлаб қолишдек бир қатор муҳим ижтимоий-экологик муаммоларни ҳал этиш таъкидланган.

Қарордаги масалаларни ҳал этиш мақсадида мактабимизда «Экология» жамияти ташкил этилди. Унинг фаол иштирокчиси Отабек Юсупов Тошкентда ўтказилган республика иқтидорли болалар слётида икки марта иштирок этиб, биринчи ва иккинчи совринли ўринларни эгаллади.

1991 йил июнь ойида Андижондаги «Савай» давлат хўжалигига бориб, исроилликларнинг томчилатиб суғориш технологияси билан танишдик. Сувни тежашга асосланган бу усулнинг самарадорлигини янада ошириш имкониятлари тўғрисидаги фикримизни шу ердаги раҳбарлар билан ўртоқлашдик. Аммо инглиз тилини билмаганлигимиз сабабли исроиллик мутахассислар билан бу хусусда мулоқотда бўлолмадик.

Андижондан қайтиб, ўқувчиларимизга инглиз тилини ўргатишга алоҳида эътибор қаратдик. Шаҳримиздаги иккита боғчани мактабимиз ўз оталиғига олиб, катта ёшли боғча болаларига ҳам инглиз тили ўйинлар орқали ўргатила бошланди. Бундай педагогик тажрибани вазиримиз ўртоқ Ж. Ғ. Йўлдошев янгилик деб уқтирдилар. («Маърифат», 1992 йил 19 сентябрь). 1993 йил 10—13 август кунлари Америкадаги тинчлик корпуси вакилларидан тўрт нафари мактабимизда ва боғчаларда бўлиб, инглиз тили ўргатиш услубиёти бўйича семинар ўтказди. Келгуси йилдан бошлаб, уларнинг вакиллари келиб инглиз тили ва тижорат билимларини ўргатадиган бўлишди.

Юқори синф ўқувчиларидан бир қисмига иқтисодиёт ихтисоси ўргатилмоқда ва улар орасидан тадбиркорлик хислатига эга бўлганларни танлаб олиш мақсадида махсус режа лойиҳасини мустақил ишлаб чиқиш тавсия этилмоқда. Яқинда Отабек Юсупов ўзининг диққатга сазовор лойиҳасини муҳокамага тақдим этди. Ушбу лойиҳада юз яшик асалари асраб, биринчи галда ундан дори-дармон олиш, бу борада украиналик ва японялик ишбилармонлар билан ҳамкорлик ўрнатиш кўзда тутилган. Банкдан олинган 45 фоизли қарз пулини икки йилда тўлаш ҳисоб-китоби қилинган. Шу гуруҳдаги ўқувчилардан 13 нафари ҳам сув ва ердан самарали фойдаланиш, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришга оид «махсус режа» лойиҳаларини тайёрладилар. Бу борада айрим тажрибалар ҳам ўтказмоқдалар.

Кичик пайкалларда ўтказилган тажрибалар исроилликлар технологияси Хоразм шароитида Андижондагига қараганда кўпроқ самара беражагини кўрсатмоқда. Шу сабабдан исроилликлар ва бошқа хорижликлар Оролбўйи минтақасига ҳам ўз сармояларини сарфлашдан манфаатдор бўладилар, деган умиддамиз.

Мамлакатимиз Президенти вилоятимизда бўлганларида хорижий мамлакатларнинг илғор технологияларини ўрганиб, уларни ўзимизга тезлик билан жорий этишни йўлга қўйиш лозимлигини уқтирган эдилар. Шу масала юзасидан Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан алоқа ўрнатиш чорасини кўрдик.

АҚШнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш Винрок институти вакиллари билан учрашиш дастурларини муҳокама этишга тайёргарлик кўрилмоқда. Дастурлардан бири — инглиз тили ва компьютер техникасини мукаммал эгаллаган «Эколог — бизнесмен»ларни ўрта мактабни битказгунча тайёрлашга эришиш мўлжалланган.

Маълумки, таълимни ҳаражатсиз йўлга қўйиб бўлмайди. Шу билан бирга илм беришга сарфланган умумий ҳаражатлар вақти келиб бир неча баробар бўлиб қайтиб келишини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Шуларни ҳисобга олиб, «Эколог-бизнесмен» ихтисослигига оид фанларни пулли ўқитиш, яъни хўжалик ҳисобида амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Таянч таълимининг мажбурий қилиб белгиланганлиги бундан буён тўққизинчи синфни тамомлаб, мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ёшлар сафи кенгайишига олиб келади. Шу сабабдан, бундай ёшлар учун икки ёки уч йиллик «якшанба» ўқишлари ташкил этилса, кечки ўрта мактабда ўқиётган иқтидорли ёшлар учун ҳам «эколог-бизнесмен» ихтисослигини ўрганиб олишларига имконият яратилади.

Маълумки, иш ҳамда ўқишни қўшиб олиб бориш масаласига ривожланган мамлакатларда ҳам катта эътибор берилмоқда. Маълумотларга кўра, Германиядаги мактабларда юқори синф ўқувчиларининг учдан икки қисми ўқишни иш билан уйғунлаштириб олиб боради.

Иш ҳамда ўқишни бирга қўшиб олиб бориш услубини шароитимизга мослаштириб, яъни кечки мактабдаги иқтидорли ўқувчилар учун ихтиёрийлик асосида пулли «якшанба» ўқишлари ташкил этиш йўли билан «Эколог-бизнесмен» ихтисослигини ўргатиш методини синаб кўрмоқчимиз. Бу, шубҳасиз, яхши самаралар беради.

М. ИБОДУЛЛАЕВ,
Хива шаҳридаги Баёний номидаги 2-иқтидорли болалар мактаби директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

*

Акмал Икромов туманидаги Мискин номидаги 62-ўрта мактабда меҳнатдан ўтказилаётган амалий машғулотларга ўқувчилар зўр қизиқиш билан қатнашишмоқда. Улар ип, ипак ва канопдан турли хилдаги бежирим нарсалар тўқишаётир.

Суратда: амалий машғулот пайти.

Сураткаш С. МУСАЕВ.

*

Одобнома

МАҚОЛ—ТАРБИЯ ОМИЛИ

Халқимизда ёшларни одобли қилиб тарбиялашнинг турли-туман услуб ва йўллари мавжуд. Улардан бири халқ оғзаки ижодининг мақол жанридир. Бу жанрнинг тарбияда нақадар муҳимлиги ва мўътабарлиги Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк», Алишер Навоийнинг «Муҳокаматул-луғатайн» ҳамда «Маҳбуб ул-қулуб» асарида, шунингдек, Имом Бухорий, Аз-Замахшарий ўгитларида у ёки бу шаклда қайд қилинган.

Ҳозирги давр болалари шунчаки панду насиҳат, маслаҳатга эргашмайдилар. Уларга «Ундоқ қил, мундоқ қил» дейиш билан иш битмайди. Болалар рамзий ва мажозий маънодаги ҳикояту ривоятлар, нафосатли, фалсафий ва ўйчан фикрлар билан йўғрилган бадиий асарларга муҳтождирлар. Бу жиҳатдан, айниқса, асрлар синовидан ўтган ўгитлар ва халқ мақолларининг муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Дейлик, болага «Иззат-ҳурматни билинглар, одобли бўлинглар!» десангиз, таъсир қилмайди ва улар ўз билганларидан қолмайдилар. Борди-ю, болага: «Ит иззатни билмас, эшак тарбиятни» дейилса, у бу ҳажв аралаш мақолдан таъсирланади. Мақолни эшитиши билан: «Агар бировнинг ҳурматини билмасам, иззатига иззат билан жавоб қилмасам, ит ва эшак билан тенг бўлар эканман» деган фикрга боради. Бошқача айтганда, мақол бола руҳига тез таъсир қилади ва уни тўғри йўлга йўналтиришда ижобий омил бўлади.

Ҳар бир ўқитувчи ва тарбиячи дарс ёхуд тарбиявий соатларда халқ мақолларидан унумли фойдаланиши лозим. Бу ўқувчининг мавзуни тез ва мустаҳкам ўзлаштиришига кўмаклашади. Чунончи, «Ҳурмат битмас бойлик» мақоли жуғрофия фанидан қазилма бойликлар ёхуд химия фанидан элементларга доир мавзуларни ўтганда асқотиши мумкин. Бу ўқитувчининг мақолни ўз ўрнида ишлатиш маҳоратига боғлиқ. Бунда қиёслаш услуби қўл келади. Масалан, аввал олтину кумуш, темиру кўмир сингари ер ости бойликлари ҳисобли эканлиги, охир-оқибат улар тугаши муқаррарлиги тушунтирилади. Сўнгра, «Ҳурмат» деган муқаддас бойлик асрлар оша халқ қалбида яшаётгани, кимки бировни ҳурмат қилса, доимо ҳурмат кўриши, бинобарин, у тугамас бойлик экани ҳаётий мисоллар асосида баён қилинади. Бундай дарс услуби таълим билан тарбияни уйғунлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

«Одобнома» ёхуд тарбиявий соат дарсларида мақолларни шарҳлаш ва қиёслаш катта самара беради. Масалан, «Ҳар ким сийлаганнинг қули» деган мақолни олиб кўрайлик. Ўқитувчи мақолдаги «қул» сўзи «ҳурматни қайтарувчи» ёхуд «дўст» каби кўчма маъноларни англатишини тушунтирса, болаларда бир-бирига ҳурмат ошади, ўзаро дўстлик туйғулари шаклланади.

Мақолларни болаларнинг ёшига, билим доирасига, дунёқарашига, турмуш тарзи ва шарт-шароитига қараб, ўз ўрнида оқилона ишлатиш лозим. Юқори синф ўқувчиларига «Бола хизматда, ота иззатда» ва «Ота-онангга нимаики қилсанг, бола-чақангдан қайтади» мақоллари қиёсий шарҳлаб берилса, яхши натижа бериши табиий. Бу ўринда тарбияланувчига фарзанднинг ота-онага хизмат қилиши шунчаки вазифа эмас, балки бурч экани тушунтирилиб, «Нима эксанг, шуни ўрасан» мақолидан ҳам фойдаланилса, нур устига нур бўлади.

Шундай мақоллар борки, улар катталарга ҳам, кичик ёшлиларга ҳам тегишли. Масалан, «Каттага ҳурмат, кичикка шафқат». Бу мақолни кичик болаларга «Ўзингдан катталарни ҳурмат қилсанг, улар сенга шафқат қилади, қийналсанг, ёрдам беради», деган мазмунда шарҳлаб бериш зарур. Бу ҳаётий мисоллар ёрдамида тушунтирилса, таъсирчанлиги янада ошади.

«Сўз кўрки — мақол» деб бежиз айтишмаган. Мақол нутқни гўзаллаштиради, унга сайқал беради ва таъсир кучини оширади. Нутқда мақол ўз ўрнида ишлатилса, фикр тингловчи онгига тезроқ сингади.

Жиҳоз ва безакларга дахлдор мақол ҳамда ҳикматли сўзларнинг маъно-мазмуни катталарга, ота-онага, муаллимларга ҳурмат каби олижаноб одоб анъаналари билан чамбарчас боғланиши керак. Мақолларнинг синфхонада жойлашиш ўрнига, қандай рангда ёзилишига, ҳарфларнинг ёзилиш нафосатига ҳам алоҳида эътибор бериш лозим.

Тошкент шаҳридаги Лутфий номидаги 254-мактабнинг жиҳозланиши миллий тарбия мазмуни билан уйғун. Мактабга кираверишдаги саломлашиш билан боғлиқ мақол ва ҳадислар намуналари киши руҳиятига дарҳол таъсир этади. «Аввал салом, баъдаз калом», «Каттанинг ҳурмати қарз, кичикка салом фарз» сингари мақолларнинг яшил рангда ва чиройли ҳарфларда битилгани катталарнинг ҳам диққатини тортади. Киши ўзини гўё тарбия отлиғ гулшанга киргандек ҳис этади.

Мактаб даҳлизлари деворига «Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан» мақоли ёзилган лавҳа илинган. Ҳарфлар ва рамкалар ранги турли-туман бўлгани учун кўзга яққол ташланиб турибди. Катталарга ҳурмат маъно-мазмуни билан уйғунлашган мақоллар синфхоналаридан ҳам ўрин олган. Бу услуб кўргазмалилик ролини ўйнайди.

Халқ мақолларидан бир нуқтадан туриб бутун мактаб жамоаси ўртасида фойдаланиш усуллари ҳам борки, уларни кенг жорий қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Танаффус пайтида мактаб радиоси орқали ҳурмат, меҳр-оқибат, эътиқод, иймон ва виждон ҳақидаги мақоллар ўқиб эшиттирилса, уларнинг таъсирчанлиги янада ошади. Чунки гуруҳ-гуруҳ бўлиб турган ёки юриб бораётган болалардан бири тартибсизлик қилса, бошқалари ҳозиргина тинглаган мақолни унга ҳазил-мутойиба оҳангида такрорлаши мумкин.

Сирасини айтганда, мақоллардан фойдаланишнинг усул ва услублари кўп. Бу ўқитувчи ёхуд тарбиячининг педагогик маҳоратига, истеъдодига, билимдонлигига боғлиқ.

Шарофат АВЕЗОВА,
аспирант.

Мозийни сўзлатганлар

ЖАСУР ТАДҚИҚОТЧИЛАР САРКАРДАСИ

Россия олимларининг Ўзбекистонга, ўзбек халқига замонавий фанни бунёд этиш борасида кўрсатган қимматли ёрдамларини алоҳида таъкидлаб ўтсак арзийди.

(«Ислом КАРИМОВнинг ЎзФАнинг 50 йиллик юбилейида сўзлаган нутқидан).

Маданиятимизнинг пойдевори бўлган тарихий меросимизни ўрганиш, буюк аждодларимиз яратган маънавий озуқадан баҳраманд бўлиш фақат илмий жиҳатдан катта аҳамият кашф этишгина қолмай, инсоннинг ҳар томонлама камол топишида муҳим омил ҳисобланади. Бундай олижаноб вазифани бажаришда археолог, этнограф, тарихчи ва шарқшунос олимларимизнинг кейинги асрдаги кашфиётлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Шуни айтиш керакки, исломгача бўлган даврни ёритиш учун маҳаллий ёзма манбалар мутлақо йўқ, тўғрироғи, Қутайба бошчилигидаги араб истилочилари томонидан йўқ қилиб юборилган эди. Мавжуд тарқоқ ва чигал маълумотлар ҳам эрамиздан олдинги VI асрнинг иккинчи ярмига — аҳмонийлар даврига мансубдир. Масалан, Хоразм тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Эрон шоҳлари томонидан қоя ва қабр тошларига ўйиб ёзилган зафарномаларда учрайди. Бу ёзмаларда Хоразм аҳмоний империясининг Ўрта Осиёдаги вилоятларидан бири деб кўрсатилади. Айнан шундай маълумот тарих илмининг отаси, машҳур грек тарихчиси Геродот асарларида ҳам мавжуд. Геродотнинг ёзишича, Хоразм Дорий давлатининг 16-сатрапияси (вилояти) бўлиб, 300 талант солғит (солиқ) тўлаб турган. Ҳатто, эрамиздан олдинги V асрларда аҳмонийлар давлатининг айрим вилоятларида хоразмликлардан мансаб бошида турганлар ҳам бўлган.

Хоразм фақат IV асрга келибгина мустақил бир давлат сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олади. Грек муаллифлари Арриан ва Курций Хоразм шоҳи Фарасманни отлиқ қўшин билан эрамиздан илгариги 329—328 йилларда Бақтрияга келган македониялик Искандар билан учрашиб, ундан иттифоқдош бўлишни сўраганлигини хабар қиладилар. Страбон асарларида греклар билан урушда енгилиб Хоразмга қочиб қутулган Зарафшон воҳасидаги Сўғд мамлакатидан чиққан халқ қаҳрамони Спитамен ҳақида сўз юритилади. Эрамиздан олдинги II—I ва эрамизнинг VIII асрларига оид айрим маълумотлар Хитой манбаларида ҳам учрайди. Эрамизнинг биринчи асрларига доир маълумотлар кам бўлиб, фақат VI асрнинг иккинчи ярмига келиб Хоразмни Турк ҳоқонлигига вакил бўлиб келган Византия элчиси Земар тилга олади.

Хоразмнинг қадимги даврига оид муҳим тарихий лавҳалар араб истилосидан кейинги алоҳида қудратли Хоразм давлати барпо топгандан кейин яшаб ўтган маҳаллий ва араб муаллифларининг асарларида ҳам мавжуд. IX—XII аср муаллифларидан ибн Хўрдадбек, ал Балхий, ал Истеҳрий, ибн Ҳавқал, ал Маъсудий, ал Мақдисий, Ёқуб сингари йирик географ ва саёҳатчилар, маҳаллий муаллифлардан машҳур қомусий олим ал Беруний, буюк табиб ибн Сино, улуғ математик ал Хоразмий, этнограф, географ, тарихчи Абу Саъд Абдулкарим ва бошқа олимларнинг асарларида қадимги Хоразмга оид баъзи маълумотларни топиш мумкин.

Шулардан энг қимматлиси, хоразмлик мутафаккир Беруниийнинг бизгача етиб келмаган «Хоразм тарихи» асаридир. Бу ажойиб асардан айрим парчалар фақат қўшни мамлакатда ижод қилган тарихчиларнинг асарларида сақланиб қолган.

Шундай қилиб, Хоразм тўғрисидаги маълумотлар жуда ҳам кам эканлиги билиниб турибди. Бир талай олимлар, жумладан, В. В. Бартольд, К. А. Иностранцев, Н. Веселовский, П. Лерх, В. В. Тарн, Захау, Томашек ва Маркварт турли даврларда Хоразмнинг қадимги тарихини ўрганишга анча интилганлар. Қадимги Хоразмнинг қудратли давлат бўлганлигини кўрсатишда Маркварт анча ишлар қилган. Бу фикр устида инглиз олими Тарн ҳам иш олиб борган. Айрим тадқиқотчилар эса археологик текширишлар ўтказишга ҳам ҳаракат қилиб кўрганлар. Бундай текширишлар Ўрта Осиёнинг айрим жойларида, жуда ҳам кичик масштабда олиб борилган. Бундай ишлар орасида Афросиёб (Самарқанд)да Вяткин ва Ашхобод яқинидаги Анавда олим Пумпелли томонидан ўтказилган археологик қазишмалар диққатга сазовордир. Шуни айтиб ўтиш лозимки, буржуа олимлари учун археологик текширишлар муҳим манба сифатида эмас, балки ўз фикрларини тасдиқлаш учун айрим мисол сифатида хизмат қилган, холос.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудидаги археологик текширишлар шўролар даврида, асосан 30-йилларидан бошлаб авж олди.

Урушдан кейинги даврда Ўрта Осиёда яна ҳам кенг миқёсда археологик текширишлар олиб борилди. Атоқли тарихшунослар А. А. Фрейман, марҳум А. Ю. Якубовский томонидан кўп йиллар давомида олиб борилган ишлар ва А. Л. Беленицкий раҳбарлигидаги катта Тожикистон экспедицияси, М. Е. Массон бошчилигидаги Жанубий Туркманистон экспедицияси, Ўзбекистон археологлари Я. Ғ. Ғуломов, В. А. Шишкин раҳбарлигидаги ҳамда кўпгина бошқа экспедицияларнинг самарали меҳнати натижасида севикли Ватанимизнинг кўп томли тарихи янгидан-янги саҳифалар билан бойиди.

Собиқ СССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси, Германия Демократик Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фахрий академиги, профессор Сергей Павлович Толстов бошчилигида СССР Фанлар академиясининг Хоразм археология-этнография комплекс экспедицияси Совет Шарқидаги халқларнинг қадимий тарихини ўрганишда ва бу халқларнинг жаҳон маданияти тарихи хазинасига қўшган ҳиссаси тўғрисидаги ҳақиқатни кўтаришда асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Бу машҳур экспедиция ўз ишини 1937 йилдан бери муттасил олиб бормоқда. Аммо Хоразм харобаларини биринчи бўлиб С. П. Толстовдан илгари 1928—1929 йилларда А. Ю. Якубовский экспедицияси текшира бошлаган. Мазкур экспедиция асосан ўрта аср Хоразм шоҳларининг маркази — Урганч вароналарини тадқиқ қилган эди. 1934 йилда Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти территориясидаги Замахшар қалъасида (ўрта аср ёдгорлиги) М. В. Воеводский экспедицияси археологик иш олиб борган. Лекин бу экспедициялар ўрта асрга оид маданий қатламларни текширган, холос.

Ислом дини Ўрта Осиёга кириб келгунгача бўлган даврни, яъни қадимги Хоразмни биринчи марта ўзбек археологлари Я. Ғуломов ва Т. Мирғиёсовлар текшира бошлаган. Улар 1936 йилда Манғит қошидаги Кубатов тепалигидаги эрамиздан илгариги биринчи минг йилликнинг ўрталарига оид қабристонни қазиб кўрганлар. Бир йилдан кейин Я. Ғуломов Жанубий Қорақалпоғистондаги «қадимги суғорилган ерларни» текширишга қайтадан киришган. Ўша йили Хоразм экспедицияси шу ҳудудда ўзининг кенг фаолиятини бошлаган эди.

Экспедиция раҳбари С. П. Толстов ҳам ажойиб археологик дурдоналарга эга бой хазина—Хоразмга биринчи марта 22 ёшида — 1929 йилда Ижтимоий фанлар илмий текшириш институтлари Россия ассоциацияси (РАНИОН)нинг экспедицияси таркибида келганди.

Сергей Павлович Толстовнинг ҳаёт фаолияти М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети билан бевосита боғлиқ. Бу илм даргоҳида ушбу сатрлар муаллифи ҳам С. П. Толстовдек истеъдодли устозлардан таълим олиш шарафига муяссар бўлган.

Юқори курсда ўқиётган вақтимда кафедра мудири вазифасини адо этаётган, айни вақтда СССР ФА Н. Н. Миклухо-Маклай номидаги Этнография институти директори, профессор С. П. Толстов менинг хоразмлик эканимни билиб, йўқлатган экан. У мени ўз кабинетига чақириб, кимлигимни, қайси шаҳардан ва, умуман, таржимаи ҳолимни сўраб, ўзи бошчилик қилаётган катта экспедицияда хизмат қилишга, таржимонлик ёки лаборантлик вазифасини бажаришга таклиф этди.

Кейинчалик С. П. Толстов мени ўзи билан Хоразм экспедициясига таржимон сифатида олиб кетди. Экспедиция давомида бўлиб ўтган мазмундор суҳбатлар келажак илмий тақдиримни аниқ ҳал қилиб берди.

Сергей Павловичнинг Хоразмга қизиқишига яна бир муҳим сабаб бор эди. Узоқ вақтлар ғарб фани Шарқ тарихини ҳаддан ташқари чалкаштириб, шарқ халқлари прогрессив тараққиётини инкор этувчи, Шарқ мамлакатлари азалдан сира бартараф қилиб бўлмайдиган турғунликка маҳкумдир, деган даъволарни кенг тарқатган эди. Бундай тутуруқсиз ирқий даъволардан ғазабланган истеъдодли ёш олим С. П. Толстов (ўзининг айтишича) Шарқ халқлари ҳам мураккаб прогрессив тараққиёт йўлини босиб ўтганликларидан, улар ҳам айни ўша ижтимоий-иқтисодий босқичларни бошидан кечирганликларидан, тарих Шарқ бошқа-ю, Ғарб бошқа деган гапни тан олмаслигидан далолат берувчи рад қилиб бўлмайдиган ҳужжатлар топиш мақсадида зўр умидлар билан Хоразмга йўл олади.

Дастлабки келишдаёқ Сергей Павлович бу ўлкани севиб қолган, унинг тарихий қимматини яхши тушуна олган. У Давлат мукофоти совриндорлигига сазовор бўлган монументал «Қадимги Хоразм» асарида шундай деб ёзади: «Бу экспедиция муаллифнинг келажакда қиладиган ишларининг йўналишини белгилаб берди. Доимо учрайдиган хилма-хил тасодифий вазифалар унинг эътиборини ҳар қанча чалғитмасин, барибир, у мамлакатимизнинг энг қадимги маданий вилоятларидан бири бўлган, ўзига хос Ўрта Осиё «Мисирининг» тарихи, этнографияси ва археологияси билан қизиқди».

Иккинчи марта Толстов 1932, кейин 1934 йилларда СССР халқлари музейининг Ўрта Осиё тарихий ва этнографик экспедициясининг раҳбари сифатида Хива, Тўрткўл ва Чимбой туманларида бўлган. Шундан кейин Сергей Павлович Хоразмнинг фақат Ўрта Осиёдагина эмас, балки бутун қўшни мамлакатлар тарихида муҳим роль ўйнаганига амин бўлиб, бу территорияда кенг миқёсда археологик текширишлар бошлаб юбориш фикрига келган эди.

«То 1936 йилга қадар,— деб ёзган эди Сергей Павлович,— мен Хоразм воҳасининг ва унга чегарадош жойларнинг ҳозирги замондаги аҳолиси ҳаёти билан машғул бўлиб, асосан этнографияга оид материал тўпладим. 1937 йилдан бошлаб, гарчи Хоразмни ва унинг теварак-атрофидаги чўлларни этнографик жиҳатдан текширишни давом эттираверган бўлсам-да, тадқиқотларимда асосий эътибор ажойиб археологик ёдгорликларга қаратила бошланди. Археология материаллари ҳам, этнография материаллари ҳам мен кутган натижаларни берди».

Уруш ғалаба билан тугагач, археологларимиз ҳам ўзларининг саҳро томон юришларини ҳар қандай шароитда юра оладиган машина-(вездеход)лар ва авиация ёрдамида қайтадан бошлаб юбордилар.

Бир неча гуруҳдан иборат бу машҳур экспедиция шарқда Сирдарё ва Марказий Қизилқумдан, ғарбда то Каспий денгизининг шарқий ва жанубий қирғоқларигача бўлган кенг территорияда ибтидоий даврдан бошлаб ўрта асрнинг охирларигача оид бўлган кўплаб ёдгорликларни топиб текширди.

Мазкур экспедициянинг кўп йиллик самарали меҳнати туфайли яратилган тадқиқотлар бир неча томлик қимматбаҳо илмий асарни ташкил қилади. Бу асарлар бепоён Хоразм воҳасида яшовчи халқ ва қабилаларнинг ибтидоий жамоа тузуми давридан, антик қулдорлик тузуми ва сўнгги феодализм даврига ча бўлган тарихий ривожланиш жараёнини кузатишга имкон беради. Шу билан бир қаторда, қадимги суғориладиган ерларни кенг тадқиқ қилиш натижасида Сергей Павлович ва унинг жасур ҳамкасблари ҳозирги даврда шу туманларда қўриқ ерларни ўзлаштириш учун ниҳоятда муҳим бўлган амалий хулосалар қилишга муяссар бўлдилар.

Машҳур Хоразм экспедициясининг дастлабки ўн йиллик иш натижалари кўпгина шарқ ва ғарб тилларини эгаллаган зўр қобилиятли тадқиқотчи С. П. Толстовнинг «Қадимги Хоразм», «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» номли йирик монографияларида мужассамланади. Бу асарлар илмий жамоатчилик томонидан юксак баҳоланиб, биринчи даражали давлат мукофотига муяссар бўлган эди. Юқорида зикр қилинган китобларнинг иккинчиси чет элларда чех, поляк, румин, венгер, немис, айрим боблари қисқартирилган ҳолда француз, урду ва бошқа тилларда, 1964 йили эса ўзбек тилида босилиб чиқди.

Сергей Павлович кашфиётларининг энг муҳими шундан иборатки, у халқимизнинг узоқ ўтмишидаги номаълум бутун бир тарихий даврни тиклаб, тўлиқ гавдалантириб берди. Хоразм территориясида неолит ва бронза даврларига оид кўп сонли ибтидоий маконларнинг топилиши экспедициянинг археология фанида янги саҳифа очган жуда зўр кашфиёти эди. Кашф этилган неолит даври маконлари ичида жаҳон фани тамонидан танилган Калтаминор маданияти алоҳида ўрин эгаллайди. Нисбатан юқори даражада тараққий этган бронза даврига оид тозабоғёп маданияти қазилмаларининг Сибирь ва Қозоғистонда топилган Андронов маданиятига яқинлигининг аниқланиши мамлакатимиз халқлари ибтидоий жамоа тузуми даврларидан бери ўзаро муносабатда бўлганлигини исботлаб берди.

Хоразмда ва Ўрта Осиёнинг бошқа туманларида ибтидоий кишилар яшаганлигининг исботланиши ўша даврда сиёсий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга эди. Чунки иккинчи жаҳон уруши арафасида ирқий назариячилар Крим ва Пекин ўртасидаги катта территорияда бир вақтлар юқори «олий ирққа» тегишли, яъни танланган оқ европа ирқи (бундай фикрларни асосан гитлерчи фашистлар ва уларнинг «илмий» малайлари тарғиб қилган) аждодларининг суяк қолдиқлари ва маконлари топилиши мумкин деб даъват қилган эдилар. С. П. Толстов ва бошқа совет археологларининг Ўрта Осиёда ўтказган илмий тадқиқотлари бундай қарашларни пучга чиқарди.

Хоразм экспедициясининг кашфиётлари Ўрта Осиё тарихидагина эмас, балки жаҳон тарихида ҳам катта аҳамиятга эга. Бу кашфиётлар ғарб олимларининг Ўрта Осиё территориясида «исломгача даврда» феодализм тузуми ҳукмрон бўлган деган фикрини рад қилади. Тадқиқотчиларимиз Ўрта Осиёда, Хоразмдаги мавжуд кўпгина дабдабали шаҳар ва қалъалар, жуда катта канал ва ариқлар, бепоён экинзорлар, ибтидоий иш қуроллари — озод деҳқонлар кучи билан эмас, балки ҳукмрон синфга бутунлай тобе бўлган қулларнинг меҳнати туфайли пайдо бўлиши мумкинлигини тасдиқлаб бердилар. Маълумки, илк феодализм даврида, яъни IX—XII асрларда бутун Ўрта Осиёда, шу жумладан, қудратли Хоразм давлатида фан ва маданият гуркираб ўсиб, жаҳонга Абу Али ибн Сино, ал Беруний, ал Хоразмий каби машҳур сиймоларни етказиб берди. Бундай юқори босқичдаги маданият, албатта, узоқ давр мобайнида шаклланиб келаётган бир замин асосида пайдо бўлиши мумкин.

Хоразм ва бошқа экспедицияларнинг иши Ўрта Осиё халқларининг қадимги даврда жуда ҳам юқори босқичдаги ўзига хос мустақил маданиятга эгалигини аниқ кўрсатиб берди. Бунинг натижасида ғарб олимларининг ирқий назария асосида «Цивилизацияли Ғарбни» «варварлик Шарққа» қарама-қарши қўйиш учун қилган интилишларига янгидан қатъий зарба берилди.

Ўрта Осиё, жумладан, Хоразм ҳам қишлоқ хўжалиги бой бўлган ўлкалардан биридир. Баъзи бир тадқиқотчилар бу гўзал ўлкада узоқ ўтмишда фақат кўчманчи, ваҳший қабилалар яшаган, деб ҳисоблайдилар. Совет археологларининг кўп йиллик самарали ишлари натижасида Ўрта Осиё деҳқончилиги тараққий қилган ўлка бўлганлиги исботланади. Қизилқум ва Қорақум саҳроларида, Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Мурғоб ва Тажан дарёларининг воҳаларида, Копетдоғ ва Фарғона водийсини ўраб олган тоғ этакларида топилган сон-саноқсиз кўҳна харобалар, сунъий тепалар, катта-кичик ариқ ва далалар бўлганлигини кўрсатувчи нишоналар фикримизнинг гувоҳидир.

Сўнгги йилларда ўтказилган археологик ва қисман геоморфологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Аму ва Сирдарё ўртасида жойлашган ҳозирги маданий воҳаларга яқин кенг майдонда ўтмишда суғориш деҳқончилиги мавжуд бўлган.

Ўрта Осиё халқларининг қадимдан мустақил, ўзига хос юқори маданиятга эга бўлганлигини яна бир бор кўрсатувчи далил — жуда ҳам кенг территорияда кашф этилган ажойиб архитектура, санъат ва ёзув дурдоналаридир. «Ирқий» назарияни тарғиб қилувчи буржуа олимларининг узоқ аждодлари ваҳшийлик маданиятига энди эришган бир пайтда, қадимги Нисадан топилган фил суягидан ишланган ритон (қадаҳ идиш), Хоразмнинг кўп жойида учрайдиган лойдан ва сополдан ясалган хилма-хил ҳайкаллар, Тупроққалъада топилган қадимги Хоразм ёзуви ва бой расм галерияси, Тожикистоннинг Муғ тоғида очилган сўғд даврига оид архив, Болиқтепа ва Панжакентда кашф этилган ҳар хил маросимларни тасвирловчи ажойиб ранг-баранг расмлар, Варрахшанинг гўзал ганч ҳайкали ва безаклари, бутун антик даврда қурилган ҳашаматли қалъаларнинг архитектураси — Ўрта Осиё халқларининг қадимги аждодлари қанчалик юқори маданиятли бўлганликларини ёрқин кўрсатиб турибди.

Археолог, тарихчи, этнограф ва геоморфологларнинг комплекс тадқиқотлари туфайли узоқ вақтлар ғарб фани ечолмай келган Ўзбой муаммоси ҳал этилган. Фанда илгари маълум бўлмаган янги далиллар асосида Амударёнинг қадимги оқими анча тўлиқ аниқланди, дарё тошқининнинг муттасил даврлари белгиланди, қадимги воҳаларнинг шўрланиш ва чўл-биёбонга айланиш йўллари ўрганилди. Сўнгги комплекс тадқиқотлар ва археологик-топографик текширишлар натижасида суғориш техникаси ва ҳар хил этник гуруҳларнинг жойлашиш тарихига оид ниҳоятда бой материаллар тўплашга муваффақ бўлинди.

Сергей Павлович илмий асарларининг энг афзал томони, у қўйилган масала юзасидан дадил, сермазмун мулоҳазалар юритибгина қолмай, аниқ, амалий таклифларни ҳам тавсия қилди. Ижтимоий фанлар соҳасида деярли биринчи бўлиб археология фанини аниқ фанлар сингари жамиятимиз ишлаб чиқарувчи кучларининг таркибий қисми эканлигини тажрибада исботлаб берди. Қадимги суғориладиган ерларнинг ҳозирги даврда ҳам деҳқончиликка яроқли эканлигини, бу ерларни кўп капитал маблағ сарфлаган ҳолда қайта ўзлаштириш мумкинлигини аниқ кўрсатиб берган эди.

Таниқли ўзбек олими академик Я. Ғ. Ғуломов, С. П. Толстов тўғрисида шундай деб ёзган эди: «Ўзбекистон, умуман, Ўрта Осиёнинг олис ўтмишини ўрганиш ҳақида гап кетганда, кўҳна тарихимизнинг етук билимдони, тарихчи, археолог ва этнограф, СССР ФА мухбир аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Сергей Павлович Толстов ҳақида гапирмай бўлмайди.

Зотан, у мозий сирларини очишдаги тинимсиз ғайрат-шижоати, Ўрта Осиё тарихини ўрганишдаги салмоқли мавқеи билан нафақат Иттифоқимизда, балки бутун дунёда тан олинган ажойиб олимдир».

Исо ЖАББОРОВ,
Узбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори.

* Суратли лавҳа

Бектемир туманидаги 290- мактабда «Йил тарбиячиси» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Ўзига хос ижодкорлик, билим ва зукколик талаб этилган бу беллашувда 572-болалар боғчаси тарбиячиси М. Пайғамбарқулова биринчи, 581-боладар боғчаси тарбиячиси Л. Конратбоева иккинчи, 575-болалар боғчаси тарбиячиси М. Ғофурова учинчи ўринни эгаллашди.

Суратларда: кўрик-танловдан лавҳалар.

Усмон УСМОНОВ олган суратлар.

ЯНГИ БОҒЧАЛАР

ПОП. Туманда ишга туширилган икки қаватли, барча қулайликларга эга болалар боғчаси кичкинтойларга ажойиб совға бўлди. Янги масканни жумҳурият колхозлар қурилиши трестига қарашли 131-механизацялашган кўчма колоннанинг Йўлдошали Мелиев, Бозорбой Бойқўзиев ва Алишер Абдуллаевлар бошлиқ бригадалари бинокорлари барпо этдилар. Улар 250 миллион сўмликдан қурилиш ишларини амалга оширдилар. Тумандаги Санг қишлоғида ҳам 90 ўринли янги боғча биносининг қурилиши ниҳоясига етди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

Собиқ ўқувчи эҳтироми

УЛАР МЕНИНГ УСТОЗЛАРИМ

...Биринчи ўқитувчиларим — Ҳибия Ўтаганова, Абдуғофир Бобоев, Руқия Бошмонова, устозларим — Бахтиёр Бобоназаров, Бодомой Бектамишева, Ўктам Саидвалиевлардир. Бобоназаров кимё фанидан, Бектамишева адабиётдан, Саидвалиев математикадан сабоқ берганди. Аммо мендан кимёнинг буюк кашфиётчиси, математиканинг зукко билимдони чиқмади, қалби шеъриятга мойил оддий журналист бўлиб етишдим.

Тунов куни бир хушхабар эшитдим: Бизга саноқни ўргатган Ўктам Саидвалиев ҳамда Бодом муаллимамизга Халқ маорифи аълочиси унвони берилибди. Роса қувондим. Устозларим ҳақида қалам тебратишга жазм этдим. Энг аввало, севимли ўқитувчим Бодомой Бектамишевага хаёлан мурожаат қилдим:

— Биласизми, мактабимизнинг ҳамма ўқувчилари нима учун сизни яхши кўради? Сиз ҳаммага бир хил муомалада бўласиз, ўқувчиларни ўзингизга жуда яқин оласиз. Улар сизнинг дарсларингизда эркин ўтиришади. Савол-жавоблар юзасидан билдирмоқчи бўлган фикри тўғри ёки нотўғри бўлса-да, иккиланмасдан гапираверади. Биладики, дурустроқ гап айтолмаса ҳам шартта «2»ни босмайсиз, кўнглини кўтарасиз. Бундай олижаноблик ҳамма устозларда ҳам топилавермайди.

Ушбу сатрларни ёзишдан олдин роса ўйладим: «Бодом муаллим менинг ҳам қулоғимдан бураганмиди?» Ҳарчад уринмай, эслай олмадим. Фақат бир воқеа эсимга тушди. Янглишмасам, 8-синфда ўқирдим. Ўзбек тилидан диктант ёздиргандингиз. Мен шарикли ручкадан фойдаланганим учун диктантимни ўқимасдан йиртиб ташлагандингиз. Ўшанда сиздан роса хафа бўлгандим. Бироқ, энди ўйласам, тўғри қилган экансиз.

...Сизни яна шунинг учун ҳам яхши кўрардикки, ҳали эсимизни таниб улгурмаган бўлсак-да, келажакда ким бўлишимиз билан бот-бот қизиқардингиз. Сўнгра ҳаммамизнинг кўнглимизни кўтариб, «Зўр одам бўласизлар», дердингиз... Билган экансиз, синфимиздаги 34 ўқувчидан бугунга келиб турли касб эгалари етишиб чиқди. Қўчқор тиббиёт, Нурали муаллимлар институтини, Гулнора университетни, Муродулла, Собир, Содиқ, Исматилла, Дўстқул, Тошпўлат, Гулбаҳор, Нафиса, Аҳмад, Хуршида, Насималар турли техникумларни тугатдилар. Бошқалар ҳам ўзларига маъқул касбнинг этагидан тутдилар, ҳозир қўлларидан келганича ишламоқдалар. Аммо биз қачон, қаерда бўлмайлик, қай соҳада ишламайлик, сизнинг бир умрлик ўқувчиларингизмиз.

Эсимда, мактабимиз ўқувчилари ўртасида синфлараро турли байрамлар, мушоиралар, кўрик-беллашувлар ўтказилса, Сиз раҳбарлик қилаётган синф ҳамиша биринчи ўринни оларди. Адабиёт дарсида шеър ўқиганингизда, маза қилиб эшитардик. Айниқса, Ҳамид Олимжоннинг «Ўзбекистон» шеърини, «Широқ» афсонасини айтганингизда, нафасимизни ичимизга ютиб тинглардик. «Тулки билан бўғирсоқ» эртаги ҳаммамизга ёд бўлиб кетганди. Севги, муҳаббат ҳақидаги суҳбатларингиз юракларимизга чўғ соларди.

Устоз, агар сезган бўлсангиз, биз ўқувчилар дарсдан бўш пайтларда сизнинг синфхонангизга киришга ботинолмай турардик. Сиздан эмас, у ердаги саришталик, озодаликка зиён етказиб қўйишдан қўрқардик.

Мактабни битирганимиздан сўнг ўн йил ўтиб, тунов куни синфингизга кирдим. Бино бир оз эскирибди, аммо ҳамон ўша-ўша нафосат, ҳамон ўша-ўша гўзаллик...

Ҳурматли газетхон, энди сизга ўқитувчимизни таништирай:

Бодомой Бектамишева 1950 йили Иштихон туманидаги Бўронхўжа қишлоғида туғилган. 1973 йили Бухоро педагогика институтининг тил-адабиёт факультетини сиртдан битирган. 25 йилдан буён ўқитувчилик қилади. Айни кунда тумандаги Ҳамид Олимжон номидаги 62-ўрта мактабда ишламоқда.

Ўқувчилик даврим кечагидек ёдимда. Математика фани ўқитувчиси — мактабимиз директори Ўктам Саидвалиев бизга кўпинча баҳони бир баҳя ошириб қўярди. Мисол ва масалалар ечишда қийналсак, ўзи ёрдам берарди. Балки, шунинг учундир, уйга берилган вазифаларни астойдил бажаришга ўзимизда мажбурият сезардик.

Қишлоқ мактабидаги шароитни, менимча, ҳамма билса керак. Зарур бўлган муҳитни кўпинча ўзимиз яратардик. Дарсдан сўнг вақтивақти билан ҳашар уюштириб, турли таъмирлаш ишларини ҳам ўтказардик. Ўктам ака директор бўлишига қарамай, биз билан ёнма-ён ишларди. Баъзан дарс жараёнида ташқарига чиқиб, геометрияни амалда бажарардик. Мактабимизнинг узунлигини, баландлигини, ўйингоҳимиз сатҳини ҳисоблаб, шунга доир қизиқарли мисолларни ечардик. Математика дарсини кўпчилигимиз хуш кўрмасак-да, бу фандан айнан Ўктам ака сабоқ берганлиги учун ҳам машғулотларга қатнашмасликни хаёлимизга келтиролмасдик. У кишини ҳаммамиз ҳурмат қилардик. Ўктам домла дастлаб, 1957 йилда Каттақўрғон шаҳар педагогика билим юртида, кейинчалик Андижон педагогика институтида таҳсил олган. Бизгача туманимиздаги бир неча мактаб ўқувчиларига ҳам сабоқ берган.

Бизнинг ўқитувчимиз ажойиб инсон. Дарс арафасида қорнимиз оч ёки тўқлигини суриштиришни ҳам канда қилмасди. Директор бўлгани учун тез-тез мактабимиз ошхонасидаги шароитни кўздан кечириб турарди.

Болалик, айниқса, ўқувчилик даври инсон ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қоларкан. У хоҳ қийин шароитлар исканжасида ўтган бўлсин, хоҳ бутунлай қувончлар, завқ-шавқли кунларга туташиб кетган бўлсин, келажакда, барибир, ўша кунларни армон ва орзиқиш билан эсларкансан. Арзимаган сабаблар баҳона синфдошинг билан уришиб қолсанг ҳам, баъзида ўқитувчингдан дашном олган бўлсанг ҳам, йиллар ўтиши билан беҳуда аразларнинг ҳаммаси ўзаро ҳурмат, иззатга айланиб кетаркан.

Яқинда қишлоқда бўлиб, нишондор ўқитувчиларимни табриклаб чиқдим. Уйга қайтаётиб, ўзимни қушдек енгил ва бахтиёр сездим.

Нормурод МУСОМОВ.

1994 йил—Оила йили

ЮВОШДАН ЧИҚҚАН УЧУВЧИ

Тўйга таклиф этилган меҳмонлар турли ноз-неъматлар билан безатилган дастурхон атрофида чақчақлашиб ўтиришипти. Тўй соҳибларининг қўли-қўлига тегмайди, елиб-югуриб хизмат қилишмоқда.

Мана, уй остонасидан ёқимли ёр-ёр садолари остида келин-куёв кириб келди. Улар одат бўйича даврани бир айландилар-да, ўриндиққа бориб ўтиришди.

Куёв — Дилшодбек Қориев дунёга келганда, унинг отаси Ҳошимбек Қориев, онаси Мавжуда Қориева Фарғона олий ўқув юртининг охирги босқич талабалари эдилар. Чақалоқ тўрт ойлик бўлгач, уни энаси Мандуха Шокирова Ўш вилоятининг Новқат туманига олиб кетди.

— Қизим, — деди Мандуха Шокирова, — сен бола билан куйманиб, ўқишдан қолиб кетасан. Ундан хотиржам бўлавер...

Ёш ота-онага бу гап маъқул тушди. Дилшодбек энасининг иссиқ бағрида улғайди. Шу ерда ўрта мактабни битирди. Кейин шоферлик курсида ўқиди. Бир йил ўтгач, Санкт-Петербург яқинидаги Виборг шаҳрида граждан авиацияси учувчиларини тайёрлаш билим юртига ўқишга кирди. Уни муваффақиятли тамомлагач, Бишкекка ишга юборилди.

Дилшодбек уч йилдан буён шу ердаги «Манас» қўналғасида вертолёт бошқараётир. Бу ерда у рус қизи Людмила Лебедева билан оила қурди.

Людмила Викторовна асли Россиянинг Курган вилоятидан. Мактабни битиргач, техникумда ўқиди. Ҳозир «Манас» қўналғасида оператор.

Дилшодбек Марҳамат туманидаги Ювош қишлоғидан чиққан биринчи ҳаво лочини. У билан ҳамқишлоқлари ҳақли равишда фахрланадилар.

— Ювош қишлоғидан ўқитувчилар, шифокорлар, муҳандислар, журналистлар, агроном ва ҳисоб-китоб илмининг билимдонлари етишиб чиққан эди, — деди Дилшодбекнинг отаси Ҳошимбек ака. — Энди ўзимизнинг учувчимиз ҳам бор. Ўғлим одамларнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилаётир. Бундан хурсандман.

Дилшодбекнинг отаси Ҳошимбек Қориев — тожик, онаси — Мавжуда Қориева эса ўзбек. Мавжуда Новқат туманида улғайди. Шу ерда ўрта мактабни битирди. Улар Фарғона олий ўқув юртида ўқиб юрган пайтларида бир-бирларига кўнгил қўйиб, турмуш қурдилар.

Орадан йиллар ўтди. Улар иноқ ва аҳил яшаб, турмуш араваларини биргаликда тортиб келишаётир. Шу қишлоқда илдиз отиб, палак ёздилар. Муҳаббат мевалари — уч қиз, икки ўғил дунёга келди. Уларни эсли-ҳушли, одоб-ахлоқли, ўқимишли кишилар қилиб тарбиялашди. Тўнғич қизлари Озода ўрта мактабни олтин медаль билан битирди. Ҳозир Фарғона дорилфунуни талабаси. Зиёда, Нодир ва Дилнозалар 18-мактабда аъло баҳолар билан ўқияптилар.

Ҳошимбек ҳам, Мавжуда ҳам узоқ йиллар турли мактабларда директор бўлиб ишладилар. Ҳозир 18-ўрта мактабда рус тили ва адабиётидан дарс беришмоқда.

Ҳошимбек рус тили дарсларини жонли ва қизиқарли ўтади. Унинг шогирдларидан Раънохон ва Донохон Салимохуновалар, Розия Сиддиқова, Ҳадича Шодиевалар туман мактабларида рус тили ўқитувчиси бўлиб ишлашмоқда. Юсуфжон Аҳмадалиев Қориевнинг севимли шогирдларидан. Яқинда география фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Мавжуда ҳам изланувчан ва ижодкор ўқитувчилардан. «Ўқитувчи-93» кўрик-танловида қатнашиб, туманда фахрли иккинчи ўринни эгаллади ва ўттиз минг сўм пул мукофоти билан тақдирланди.

Ҳошимбек ҳам, Мавжуда ҳам ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозониб, шогирдларига ибрат кўрсатиб келишмоқда.

Қўчқор ТЕШАБОЕВ,
Марҳамат туманидаги 18-ўрта мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси.

МИЛЛИЙЛИК РУҲИДА

Олтинкўл туман халқ таълими бўлимига қарашли «Бинафша» боғчасида болалар ўзбек миллий удумларини ўрганиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. «Меҳмон, меҳмон» ўйини орқали меҳмон кутиш ёки меҳмонга бориш одоби ўргатилади. Бешик тўйи, сумалак пишириш ўйинларида бу маросимлар ҳақида кичкинтойларга кенг тушунча берияпти. Тарбияланувчилар, Навоий, Бобур, Нодирабегим, Увайсий каби шоирларнинг ғазаллари, шеърларини ҳам ёд олишяпти. Тарбиячилардан Раҳбархон Мадраҳимова, Раҳимахон Умурзоқова бу борада уларга устозлик қилишаётир.

Ш. КЕЛДИЕВ.

«Бола қалбига йўл топиш учун ўзинг ҳам болага айланишинг керак», дейишади. Тошкент туманидаги Ҳабибулла Абдуллаев номидаги 2-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Гулбаҳор Одилова ана шундай ўқитувчилардан. У ёш бўлишига қарамасдан изланувчанлиги, интилувчанлиги билан мактаб ўқитувчиларининг ҳам, ўқувчиларининг ҳам ҳурматига сазовор бўлган.

Суратда: Гулбаҳор Одилова бошланғич синф ўқувчиларига дарс ўтаётган пайт. Ҳ. СОЛИҲОВ суратга олган.

ЎЗБЕКИСТОН—БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ

Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг назарий асослари Президентимиз И. А. Каримов асарлари ва нутқларида баён қилинган. Юртбошимизнинг яқинда чоп этилган «Ўзбекистон —бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Китобда иқтисодий мустақилликни қарор топтиришга оид қоида ва ғоялар умумлаштирилган, республикада, мустақилликка эришган бошқа мамлакатларда иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида тўпланган амалий ютуқлар таҳлил қилиниб, Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишининг ўзига хос хусусиятлари очиб берилган.

Мазкур рисолани чуқур ўрганишда қуйидаги масалаларга эътибор бермоқ керак.

— Ўтмишдан қолган мерос ва иқтисодий ислоҳотлар зарурияти. Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни белгилаб берувчи шарт-шароитлар;
— Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг беш тамойили;
— Ташқи иқтисодий фаолият — жаҳон иқтисодиётига яқинлашув йўлида;
— Иқтисодий ислоҳотнинг асосий устиворлиги ва йўналишлари;
— асарнинг тарихий аҳамияти.

Рисола мустақилликка эришган ҳар бир республикада иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ислоҳ қилиш муаммолари ечими зўр бериб изланаётган, Ўзбекистоннинг ҳуқуқий демократик давлат сифатида қарор топтиришнинг дастурий қоидалари, республиканинг бозор муносабатларига ўтиш, ички ва ташқи сиёсатни шакллантириш тамойиллари, иқтисодий ислоҳотларни ўтказишга янгича ёндашув тамойиллари ишланаётган ва амалга оширила бошланган бир даврда ёзилди.

Китобнинг ички мазмунини ўрганишдан олдин ўқитувчи унинг тўққиз бобдан иборат эканлиги ва ҳар бир боб китобнинг умумий илмий-ғоявий мақсадига — Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли ва хусусиятларини, заминларини, воситаларини, мақсадини очиб беришга уйғунлашган ҳолда қаратилганлигини алоҳида таъкидламоғи шарт.

Маънавият ва мафкура ўқуви

Дарсда истиқлол ва тараққиёт йўлимизни белгилаб берувчи шарт-шароитларни баён қилишга алоҳида эътибор бериш айни муддао. Чунки мазкур шарт-шароитларни билиш, аниқлаш тингловчида нафақат маълум билимни қарор топтиради, балки унда фаоллик ва жавобгарлик ҳиссини ҳам шакллантиради.

Машғулотда тартибга солинган бозор иқтисодиётига ўтишнинг бошланғич шартларига кўра, бир-биридан мутлақо фарқ қилувчи уч хил ёндошув бор, ҳар бир ёндошувнинг андозалари ҳам хилма-хил эканлигини, бозор иқтисодиётига революцион ва эволюцион йўл билан ўтиш мумкинлигини ўқувчи онгига сингдириш зарур.

Шу ўринда ўқитувчи республика қулай жуғрофий-сиёсий мавқега эгалиги, табиий иқлим шароитларининг ўзига хослиги Ўзбекистонда ислоҳотларни амалга ошириш йўллари ва унга ёндошувларни танлаб олишда ҳал қилувчи таъсир ўтказаётганини, демографик вазият, миллий таркибнинг ўзига хослиги, Ўзбекистон халқининг миллий руҳиятига хос бўлган этнопсихологик меъёрлар, хусусиятлар ҳақида гапириши керак. Президентнинг Ўзбекистон ўтмишининг оғир оқибатларини бартараф этишга, танглиқдан чиқиб олишга, иқтисодий мустақилликка эришиб, ривожланган мамлакатлар сафига қўшилишга имкон берадиган етарли куч-қудратга эга, деган фикрларини халқ хўжалигимиз, маънавий ва сиёсий ҳаётимиздан далиллар келтириб шарҳламоғи ва мазкур шарҳларга талабалар, ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминламоғи зарур.

Машғулотнинг марказий масалаларини Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли беш тамойилининг моҳиятини очиб бериш ташкил этади. Бунда ўқитувчи, биринчи ўринда иқтисодиётни мафкурадан холи этиш — демократик ва бозор ўзгартиришларининг асосий тамойилининг нечоғлик ижтимоий, сиёсий ва маънавий аҳамиятга эга эканлигини, собиқ СССРдаги мафкура ва иқтисод ўртасидаги муносабатларни танқидий таҳлил қилиш асосида ёритсин.

Мазкур савол ечимида Ўзбекистоннинг ижтимоий бозор иқтисодиётида ўз андозасини яратишдаги янги муҳим элементларни, замин ва шарт-шароитлар яратилган тақдирда бозор механизмларини ишга солишнинг ўзига хос хусусиятларини, ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт — бу аралаш иқтисодиёт эканлигини, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш унинг кўп бўғинли инфраструктурасини яратишни талаб қилишини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўз йўлимизнинг муҳим тамойили — бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш — иқтисодий ислоҳотлар йўлининг негизидир. «Халқимизда, — деб ёзади И. Каримов ўз китобида, — «янги уйни қурмай туриб, эскисини бузманг — бошпанасиз қоласиз», деган нақл бор». Унда республика аҳолисининг руҳияти тўла акс этган. Шуни ҳисобга олиб, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш андозасига босқичма-босқич, эволюцион йўл билан ўтиш асос қилиб олинган. Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш йўлининг ўзига хос хусусияти ана шунда.

Бозор муносабатларига хос бўлган руҳият, дунёқараш шаклланиб, одамлар шунга мувофиқ равишда иш тута бошлаган тақдирдагина бозор иқтисодиёти воқеликка айланади. Шу сабабли энг асосий вазифа — ижтимоий ларзаларсиз, одамларнинг қашшоқлашувига йўл қўйилмаган ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига ўта боришдан иборат. Бу жараёнда навбатдаги тамойил — Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни ҳуқуқий таъминлаш муҳим роль ўйнайди.

Ўқитувчи мазкур тамойил моҳиятини очиб берар экан, у ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш — бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шартигина бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлатни барпо этишнинг ўзига хос хусусияти эканлигини алоҳида уқтирмоғи лозим.

Кучли ижтимоий сиёсат — иқтисодий ўзгартиришларнинг ишончли кафолати — нафақат ўз йўлимизнинг тамойили, балки бугунги кунимизнинг бош шиорига айланиб қолди. Мазкур шиор, талабнинг моҳиятини очиш жараёнида ўқитувчи нима учун деган саволга ҳам жавоб бермоғи ҳамда бозор муносабатларини шакллантиришнинг янги босқичидаги ижтимоий сиёсатнинг олтита асосий йўналишининг тафсилотини ҳам атрофлича очиб бера олса китобнинг мазмуни тингловчиларга тўлалигича етиб боради.

Ўзбекистоннинг ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган ўз бозор иқтисодиёти андозасида ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, унинг жаҳон хўжалик алоқаларига бирлашиш йўлларини белгилаш муҳим ўрин тутади. Шунинг учун ўқитувчи дарсда ҳукуматимиз олиб бораётган мустақил ташқи иқтисодий сиёсатнинг асосий принциплари, ташқи савдо, иқтисодий илмий ва маданий алоқаларнинг асосий устивор йўналишларини аниқ мисоллар ёрдамида ёритмоғи ва бу борада талабалар ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ойдинлаштириши ёш авлодни ватанпарвар қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир.

Ўқитувчи китобдаги «Иқтисодий ислоҳотнинг асосий устиворликлари ва йўналишлари» бобига бағишланган масалаларни баён қилишда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ўз ичига қатор вазифаларни олувчи занжир эканлигини уқтиради. Бу заруриятлар занжирида муҳим бўғинни-аграр соҳадаги ўзгаришлар ташкил қилади, чунки у бутун иқтисодиётимизнинг негизи эканлигини, давлатнинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига бевосита аралашишдан воз кечишлигини республика хўжалигига оид мисоллар ёрдамида ёритади. У иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммолари, иқтисодиёт тузилмасини қайта қуриш бўйича ишлаб чиқилаётган чора-тадбирларни белгилашда ва амалга оширишда И. А. Каримовнинг кўп қиррали фаолиятини унинг республика вилоятлари раҳбарлари, вазирлар маҳкамасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XII чақириқ XIII сессиясида сўзлаган нутқларига суянган ҳолда кўрсатмоғи лозим. Бу талабалар, ўқувчиларнинг чуқур билим эгаллашлари, ижтимоий ҳаётда фаол бўлишлари учун мустаҳкам замин вазифасини ўтайди.

М. ШАРИФХУЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси,

Н. МАМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.

Халқ таълими фидойилари

ТИНЧ ОҚАР ДАРЁ

Набижон ака бугун уйқуси қочиб, барвақт турди. Ҳовлини айланиб юриб, ёришаётган осмонга тикиларкан, учиб бораётган оққушга кўзи тушди. Унинг парвозини кузатаётиб, «Умр деганлари ҳам қушнинг парвозига ўхшайди» деган фикрни кўнглидан ўтказди.

Набижон ака кейинги кунларда жуда ўйчан бўлиб қолди. Умр бўйи эл ташвишида юрган киши эмасми, шогирдлари, ёр-биродарлари тез-тез хабар олиб туришларига қарамай, бир оз зерикди. Танҳо қолди дегунча «Мен жамиятга, халққа муносиб хизмат қила олдимми, одамлар мендан розими?» дея ўз-ўзига савол беради. Умри давомида амалга оширган ишларини хаёлан сарҳисоб қилади, таққослайди, хулосалар чиқаради. Баъзан мамнунлик билан мийиғида кулиб қўяди.

Набижон аканинг умр йўли узундан узоқ, жуда серқирра. Бугун меҳнат фаолиятини бошлаганига 49 йил бўлди. Шундан 32 йилини Бешариқ туман халқ таълими бўлимига раҳбарлик вазифасига бағишлади.

...1944 йил. Ҳали уруш тугагани йўқ. Туман халқ хўжалигининг барча соҳаларида, айниқса, халқ маорифида кадрлар танқислиги сезиларди. Бу пайтда Набижон ака 16 ёшли ўспирин эди. Мактабни аъло баҳоларга тамомлагани, серғайратлиги, муаллимлик касбини жону дилидан севишини ҳисобга олиб, унга бошланғич синфларга дарс беришни таклиф қилишди. Бажонидил ишга киришди. Устозларининг ўгиту маслаҳатлари, ёрдамлари туфайли қисқа муддатда ўзида муаллимлик касби кўникмасини ҳосил қилди. Икки-уч йил ўтгач эса касбдошлари даврасида туғма истеъдоди, изланувчанлиги билан кўзга ташланиб қолди. Сўнг «мулла бола»ни бошланғич таълим бўйича махсус курсда ўқитишди.

У мактабдан ажралмаган ҳолда педагогика институтининг тил-адабиёт факультетида сиртдан таҳсил кўрди. Мактаб илмий бўлими мудири, директори лавозимларига кўтарилди. Туман партия қўмитасида масъул вазифаларда ишлади, газетага муҳаррирлик қилди.

1961 йили Набижон ака халқ маорифи бўлимига мудир этиб тайинланди. Шундан буён орадан 32 йил ўтди. Бу давр ичида туман маорифи соҳасида Маҳсумов домла бошчилигида кўпгина ишлар қилинди. Мисол учун, Набижон ака мудирлик лавозимига келган пайтда шароит жуда оғир эди. Юз мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган туманда атиги битта боғча бўлиб, унда 22 бола тарбияланарди. Йиллар ўтиши билан боғчалар сони 110 тага етди. Шунга яраша мутахассис кадрлар тайёрланди. Бу ерда республикада биринчилардан бўлиб қатор уй-боғчалар, боғча-мактаблар ташкил этилди. Тарбия масканларининг кўриниши, безаги ва методик ишлар мазмунига миллий ва замонавий руҳ сингдирилди.

Ўша йиллари мактаблар сони 50 та эди. Улар замон талабларига жавоб бермасди. Болалар ҳатто уч сменада ўқирдилар. Мавжуд мактаб бинолари режали равишда бузилиб, ўрнига янгилари барпо этилди. Ўқув даргоҳлари сони 63 тага етгач, уч сменада ўқитишга барҳам берилди. 1991—1992 йилларнинг ўзида 25 та мактаб ошхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ишларда Набижон аканинг ташаббускорлиги, изланувчанлиги, меҳнаткашлиги яққол кўзга ташланди. Янги мактаблар қурилгач, фан кабинетларни, лабораторияларни, лингафон хоналарини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди. Кишки спорт зали, стадионлар, ўқувчилар уйи, ёш техниклар ва табиатшунослар станциялари, мусиқа ва спорт мактаблари замонавий ўқув-техника қуроллари билан жиҳозланди. Компьютер синфхонаси фаолият кўрсата бошлади. Туман ҳудудида ўқувчиларнинг дам олиш оромгоҳлари қурилди.

Бундай бунёдкорлик ишлари Бешариқда ҳозир ҳам тўхтагани йўқ. Набижон аканинг ташаббуси билан туман ҳудудида бошланган 80 ўринли ўқитувчилар санаторийси қурилиши поёнига етай деб қолди. Бу шифо маскани уч қаватли, замонавий кўринишга эга бўлиб, шифокорлик хусусиятларига кўра, Трусковец санаторийларидан қолишмайди.

Чуқур дарё тинч оқар, дейдилар...

Махсумов домла мудирлик фаолияти давомида 10 нафар туман партия қўмитасининг саркотиби, 5 нафар вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, 6 нафар халқ таълими вазири билан ҳамкорликда ишлади. Доимо изланишда бўлгани, ҳақиқий раҳбарларга хос ташаббускорлик, меҳнаткашлик фазилатларини ўзига ошно этганлиги боис бир лавозимда ишлаб, обрў-эътибор топти. Бировни ака, бировни ука, опа, сингил, деди. Ночор оилалар фарзандларининг бошини силади, қўлидан келганча меҳрибонлик кўрсатди.

Набижон ака камтар, оққўнгил, одамохун киши. У инсон руҳиятини жуда яхши билади. Киши билан бир марта суҳбатлашгандаёқ унинг феъл-атворига, қобилиятига баҳо бера олади. Муаллимлар билан кўпроқ якка тартибда, дилдан гаплашди, уларнинг кўнглига йўл топди. Муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилди. Хато-камчиликка йўл қўйганларни жиддий огоҳлантирди, маъмурий жазо қўллади. Лекин уларнинг камчиликларини тўлдиришларига, хатоларини тўғрилашларига муҳлат белгилади. Негаки, ҳар қандай маъмурий жазо ҳам асосан тарбиявий аҳамият касб этиши керак. Маорифчилар бундай пайтларда домладан сира хафа бўлмасдилар. Аксинча, ўзлари ҳижолат чекардилар.

Ўтган йиллар мобайнида туман маорифида асосан 3 та ижобий хусусият кўзга ташланди. Улардан бири — муҳит софлиги. Туман халқ маориф тизимида муҳит софлиги бўлгани боис юқори ташкилотларга бирорта шикоят хати тушгани йўқ. Чунки барча муаммолар, муаллимларни ташвишга солаётган масалалар ўша жойда, кечиктирилмасдан ҳал қилинарди. Агар маориф бўлимидагиларнинг бунга кучлари етмаса, юқори ташкилотлардан, тегишли корхона ёки муассасалардан ёрдам сўрардилар.

Домла оғир-босиқ, кечиримли бўлгани, муҳими, катта тажрибага эгалиги боис ҳеч кимни ранжитмади. Ҳамма нарсани очиқ, ошкора мулоқот йўли билан ҳал қилди. Баҳсларда баъзан ғолиб чиқди. Муҳолифларига масалани атрофлича тушунтира олди. Баъзан эса ён берди, ўз хатоларини дарҳол тузатишга киришди. Биров билан шахсиятига тегадиган даражада санманга бормади, кўнглида гина сақламади.

Туман халқ таълими тизимида кўзга ташланган яна бир хусусият ўқитувчиларнинг фидойилиги, ўз касбини жон-дилидан севишидир. Шунинг учун Бешариқда ўқитувчилар сулоласи кўпчиликни ташкил этади.

Мактабда юртимиз келажагининг пойдевори шаклланади. Миллий мафкурани таълим жараёнига омухта қилиб, ўғил-қизлар онгига сингдириш ҳам тўғридан-тўғри мана шу ерда амалга оширилади. Шунинг учун ҳам туманда йиллар оша муаллимларнинг сиёсий саводхонлигини оширишга эришилди. Ўқувчилар орасидан кучли маърузачилар, халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги иш жараёнини мафкуравий жиҳатдан таъминлай олишга қодир инсонлар етишиб чиқди. Ўзбек тили ва миллий адабиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшаётган олимлардан Умарали Норматов, Салоҳиддин Мамажонов, Ёрматжон Тожиев ҳам мана шу туман мактаблари сабоғини олишган.

Учинчи хусусият туман маорифида раҳбарликнинг илмий асосда ташкил этилишидир. Махсумов домла маориф бўлимидаги ишларга ҳар доим билимдон, тажрибали кишиларни, ўқитувчиларнинг ўқитувчисини жалб эта олди. Шарифжон Абдумаликов, Раймжон Ҳотамов, Геннадий Кузнецов, Баҳриддин Эралиев, Абдуваҳоб Исақовлар шулар жумласидандир. Уларнинг ҳар бири маориф бўлимини бошқаришга қодирдирлар. Туман маорифчиларига айни даврда домланинг шогирди ва издоши Ғуломиддин Розиқов етакчилик қилаяпти.

Набижон ака кўпгина муаммоларни ҳал қилишда бошқалар билан бамаслаҳат иш тутди. Шогирдларини мустақил бўлишга даъват этди. Натижада мактабларга билимдон ва ташкилотчи кишилар директор этиб тайинланди.

Маълумки, маорифни бошқариш кўп қиррали ва мураккаб иш. Бу соҳа раҳбарининг фаолияти мактаб, мактабгача тарбия масканлари ҳамда мактабдан ташқари муассасалар ишини мувофиқлаштириш билан чекланмайди. У оталиқ ташкилотларининг раҳбарлари билан ҳам тил топиша олиши керак. Н. Махсумовнинг одамохунлиги, ишбилармонлиги боис бирорта оталиқ ташкилоти унинг илтимосини ерда қолдирган эмас.

Набижон ака раҳбарлик жараёнида мактаб ва боғчаларга тез-тез бориб турди. Турли фан ўқитувчиларининг дарсларини, боғчалардаги машғулотларни кузатди. Мавриди келганда, «сочма» саволлар бериб, ўқувчиларнинг билимини, саводхонлигини синаб кўрди. Муаллимларнинг ютуқ ва камчиликларини очиқ-ошкора айтди, дарсларни таҳлил қилди. Ўқитувчини синфда ҳоли қолдириб, ўқитувчи-ўқувчи мулоқоти услубидан ташқари яна қандай кўринишларда машғулот ўта олишини сўради. «Семинар дарс, матбуот конференцияси дарслари қандай бўлади?», «Дублёр дарс деганда нимани тушунасиз?», «Ажойиботлар майдончаси» ўйинини машғулот жараёнига олиб кириш мумкинми?» каби саволлар берди. Жавобдан қониқмаса, ўз билганларини муаллимга тушунтирди. Замонавий дарс шакли ва услубларини ўзлаштириб олишни, доимий изланишда бўлишни маслаҳат берди.

Туман маорифида илғор тажрибалар тўплангани учун вилоят халқ таълими ходимларининг анжуманлари бир неча бор шу ерда ўтказилди. Эришилган ютуқлар, яратилган янги таълимий услублар республика ва собиқ Иттифоқ бўйича оммалаштирилди. Бу ерга тажриба ўргангани бошқа вилоятлардан, республикалардан меҳмонлар келиб туришади. Туман маорифчиларининг ташаббуслари Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан жуда кўп маротаба маъқулланди. Маориф бўлими тажрибалари ҳақида республика матбуотида, Москвада чиқадиган «Учительская газета»да мақолалар эълон қилинди. Тажрибалар 1985 йили алоҳида китоб ҳолида чоп этилди. Набижон ака ҳақида ҳам ўнлаб асарлар яратилди. У киши Абдулла Қаҳҳорнинг шогирди, марҳум журналист Анвар Муқимовнинг доимий қаҳрамонига айланди. Домланинг ўзи ҳам туман, вилоят ва республика, қўшни жумҳуриятлар матбуотида бир қатор илмий-услубий, сиёсий, муаммоли ва долзарб мақолалари билан иштирок этди. Педагогик тарғибот-ташвиқот ишларини кенг йўлга қўйди.

Туман маорифида эришилган ютуқлар йиллар оша муносиб тақдирлаб келинди. Мисол учун, 1984 йили республика партия ва ҳукумати Ўзбекистоннинг ташкил топганига 60 йил бўлиши муносабати билан битта мукофотли байроқ ажратган эди. Бу байроқ бешариқлик маорифчиларга насиб этди. Шунингдек, собиқ Иттифоқ Маориф вазирлиги ва Ўзбекистон Халқ маорифи вазирлигининг кўчма Қизил байроқлари ҳам бир неча йил туман маорифи бўлимида сақланди.

1985 йили собиқ Иттифоқ бўйича намунали боғчалар кўриги ўтказилган эди. Кўрикда бешариқлик маорифчилар Фарғона вилоятидан ягона бўлиб қатнашдилар. Унинг якуни Молдова республикасида атрофлича кўриб чиқилди. Набижон ака Кишинёв шаҳридан СССР Қишлоқ хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Маориф вазирликлари ва «Крестьянка» журналининг дипломларини, қимматбаҳо совғаларни қўлтиқлаб қайтди.

Домланинг хизматлари юқори ташкилотлар томонидан ўз вақтида муносиб баҳоланган. Ҳозирги кунда у кишининг кўксини бир нечта орден-медаллар, нишонлар безаб турибди. Бундан ташқари, домланинг шахсий ҳужжат асровида элликдан ортиқ фахрий ёрлиқлар, турли дипломлар, расмий идораларнинг табрик хатлари бор.

Уч-тўрт йил бурун Бешариққа тошкентлик бир гуруҳ журналистлар ташриф буюришди. Улар туман халқ таълимида тўпланган тажрибалар, эришилган ютуқлар, домланинг заҳматли меҳнатлари натижалари билан обдон танишишгач, республика матбуотида мақола эълон қилишди. Ўтказилган суҳбатлар чоғида ҳатто у кишини Меҳнат Қаҳрамони унвонига тавсия этиш таклифи ҳам киритилди. Лекин, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, мамлакатда жиддий сиёсий ўзгаришлар юз берди. Бу масала ўз-ўзидан қолиб кетди...

Набижон Махсумов ҳозир 63 ёшда. Эл орасида пиру бадавлат отахон. Умрининг асосий қисмини бирга ўтказган, яхши-ёмон кунларини баҳам кўра билган ёстиқдоши Саъдияхон ая билан бир уй набирани тарбиялаяпти.

...Домла бугун қанчалик барвақт уйғонгани, табиатан осудафеъл, ўйчан бўлиб қолгани билан, кайфиятида қандайдир интиқлик, мамнунлик, хушҳоллик сезади. Негаки, унинг юбилей тўйи бу кун. Орадан бир оз вақт ўтгач, касбдошлари, шогирдлари, ошна-оғайнилари уни йўқлай бошлашади. Турли жойлардан қўнғироқлар бўлади, «Бизга хизматлар борми, домла?»— дея сўрашади. Вилоятлардан, қўшни туманлардан табрик хатлари келади. Юбилей тантанасида унинг шаънига илиқ сўзлар айтилади. Муҳими, одамлар домланинг меҳнатларига яна бир бор холис баҳо беришади. Набижон ака ўзини ёшариб кетгандек ҳис қилади.

Мусулмон МАМАДОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи,

Аваз ҲАЙДАРОВ,
«Маърифат»нинг ўз мухбири.

Шу кунларда пойтахтимиздаги 63-мактабга киргудек бўлсангиз, баҳор манзарасига дуч келасиз. Билим маскани хоналарида фасллар жилвасини яратишда «Ёш экологлар» тўгарагининг самарали фаолиятини алоҳида қайд этмоқ керак. Тўгарак аъзолари бўш пайтларида деворий газета чиқариш, гул ўстириш, қуш ва кичик балиқларни боқиш каби турли хил юмушлар билан банд бўлишади.

Суратларда: биология ўқитувчиси Мансур Иброҳимов ва тўгарак раҳбари Акром Иброҳимовлар тўгаракнинг навбатдаги юмушларини режалаштирмоқдалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ҚУТЛАЙМИЗ!

Ҳурматли Олег Аҳмедович ТОЖИЕВ!

Сиз узоқ йиллар давомида Тошкент вилоятидаги мактабларда меҳнат қилиб, ўқитувчиликдан то вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғигача бўлган масъул лавозимларга кўтарилдингиз.

Тошкент вилояти ўқитувчилар жамоаси ва бошқарма ходимлари Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан муборакбод этади. Масъулиятли ишингизда ва шахсий ҳаётингизда омад, узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ тилайди.



Қадрли устозимиз Нормурод ҚУРБОНОВ!

Ўн тўрт йилдирки, Бойсун туманидаги 2-ўрта мактаб ўқувчиларини математиканинг сирли оламидан воқиф этиб келаяпсиз. Сиз берган билимлар ҳозирда кўпчилик шогирдларингиз йўлларини нурафшон айламоқда.

Таваллуд топган кунингиз муносабати билан биз — собиқ ўқувчиларингиз Сизга энг эзгу ниятларни тилаймиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг.

Бир гуруҳ шогирдларингиз.

Азиз устозимиз Муҳаммаджон АҲМЕДОВ!

Сиз кўп йиллардан буён эндигина илм остонасидан ҳатлаб, чексиз уммонга қадам қўйган болакайлар муаллимлари — бошланғич синфлар ўқитувчиларига сабоқ бериб келмоқдасиз. Маҳоратингиздан баҳраманд бўлган муаллимлар ҳозирда ёшларга билим беришда фаол.

60 ёшга тўлиб, серқирра фаолиятингизни давом эттираётган ушбу кунларингизда Сизга янада улкан зафарлар ёр бўлсин.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти жамоаси.

Ҳурматли касбдошимиз Жовли БОБОМУРОДОВ!

Биз Сизни таваллуд топган кунингиз, шарафли ҳамда машаққатли педагогик фаолиятингизнинг чорак асрлиги билан чин дилдан қутлаймиз.

Келажагимиз ишончи бўлган ўғил-қизларимизни тарбиялашдек масъулиятли ишларингизда мустаҳкам ирода, чидам ва бардош, шахсан ўзингизга узоқ умр, доимий соғлик. оилангизга бахту омонлик тилаймиз.

Қашқадарё вилояти Нишон туманига қарашли Б. Машраб номидаги 21-ўрта мактаб жамоаси.

Қўлида дутор ушлаб турган мана бу қиз ижро этган қўшиқларни тинглаб ҳамқишлоқлари ҳам ҳайратланишади. Фарғона шаҳридаги 1-ўрта мактабнинг еттинчи синфида ўқийдиган Гулсанам Мамазойитова «Самарқанд ушшоғи», «Дугоҳ»у «Сегоҳ»ни шу қадар қойиллатиб ижро этадики, унинг тиниқ овози дард билан, армон билан йўғрилиб кетганига ҳайрон қоласиз. Биргина «Муножот»нинг бутун юкини жажжи елкаларига олиб сизга ҳам ўша тўлқинларни, шодлигу умидворликларни етказа олади... Гулсанамни ҳам қутлашимиз, руҳлантиришимиз, келажагига ишонтиришимиз даркор.

Суратда: Гулсанам Мамазойитова.

У. ҚЎШВОҚОВ олган сурат.

ТАФАККУР МАКТАБИ

Ўзбекистон мактабларига шахмат дарси қачон киритилади?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Манилада ўтказилган XXX шахмат олимпиадасида қуёшли мустақил республикамиз шарафини ҳимоя қилиб, фахрли иккинчи ўринни олган ўйинчиларимизни 1992 йил июнь ойида қабул қилди. Президент И. Каримов шахматчилар ва мураббийларни юксак ўрин билан қутлаб, уларга катта омад тилади. Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритмаганида, Манилага боришу халқаро ўйин ва олимпиадаларга қатнашиш бизга насиб этмасди. Бундай воқеалар кўп бўлган. «Собиқ Иттифоқ шахмат федерациясидагилар республикамиз вакиллари йўлига сунъий, зирҳли, тўсиқлар қўйишганди, — дейди команда мураббийси Сергей Пинчук. — Хуллас, мустақиллик бизни ҳам, Ўзбекистонни ҳам дунёга танитди».

Ҳамюртларимизнинг XXX Жаҳон шахмат олимпиадасида иккинчи ўринни эгаллаши жумҳуриятимизда шахмат ривожланиши учун рисоладагидай шароит яратилганидан эмас, балки шу соҳага фидойи айрим кишилар меҳнатининг самараси, холос. Келгуси режаларимизда нуфузлироқ ғалабаларга эришишимиз учун ҳал этилиши зарур бўлган муаммоларимиз ҳақида фикрлашиб олишимиз зарур. Пахтакор стадиони қошида шахматчиларимиз бош қароргоҳи жойлашган бино бундан ўттиз йил муқаддам қурилган бўлиб, ҳозирги кунда у мутлақо талабга жавоб бермайди. Агар уни, қўшни жумҳуриятлардаги марказий саройларни-ку қўя турайлик, ҳатто вилоятлардаги шахмат клуби саройларига қиёслайдиган бўлсак, бу бинони ҳужра деб аташ мумкин. Хорижий мамлакатларда, собиқ СССРдан ажралиб чиққан Болтиқбўйи, Украина, Белорусия, Кавказорти жумҳуриятларида ҳам ҳашаматли шахмат бинолари борлигини эслатмоқчимиз, холос. Пойтахтимиз Тошкентда узоқ йиллардан буён орзу бўлиб келаётган «Шахмат уй»ини қуриш пайти келмадимикин? Сабаби шундаки, ҳадемай хориждан мана-ман деган халқаро гроссмейстерлар, ҳакамлар, журналистлар мустақил Ўзбекистонга ташриф буюришлари мумкин. Шунда улар ажойиб шахмат биномизни кўриб оғзи очилиб, ҳа, Ўзбекистон ҳақиқатан ҳам шахмат ватанининг иккинчиси экан, шахмат санъати ўйинига юқори даражада ҳурмат кўзи билан қарашар экан деб, катта баҳо беришса, кимга ёқмайди, дейсиз. Афсуски, ҳозирги кунда республикамиз чойхоналарига маданият ўчоғи деб эмас, маблағ топиш манбаи сифатида қаралмоқда. Балки чойхоналарни аввалгидай маданият вазирлиги тасарруфига ўтказиш қадимий урф-одатларимиз тикланишига асос яратар. Чунки буюк боболаримиз Амир Темур, Алишер Навоий, Беруний, Бобур, Огаҳийлар шатранжни улуғ санъат мўъжизаси деб аташган. Айниқса, Амир Темур бўш қолди дегунча шахмат ўйнаган.

Энди иккинчи масалага келайлик. Хўш, шахмат ёш ўқувчи болаларга нима беради, деган савол туғилади. Улуғ ўқитувчи-олим В. Сухомлинский ўзининг «Қалбимни болаларга ҳадя этаман» китобида шундай ёзади: «Ўғил болалар ва қизлар жон деб шахмат тахтасига яқинлашар эканлар, бу ўйин фикрлашни тартибга солар, хаёлни бир жойга тўплашга кўмаклашар эди. Шахмат ўйини ақлий маданиятнинг бири сифатида бошланғич мактаб ҳаётига кириши даркор. Шахмат — чигал мантиқий тафаккур қилишнинг ажойиб мактабидир».

Мактабларга, маданият уйларига тренерлар, мутахассислар керак. Бунинг учун нима қилиш лозим. Энг кераклигиси, Ўзбекистон физкультура ва спорт олийгоҳида биринчи курсдан бошлаб то охирги курсгача шахматдан дарс киритиш зарур. Ўшанда тренер мутахассислар кўпаяди. Институт ва мактабларда шахмат дарси ўқитишни ташкил этишга тўсиқ бўладиган биринчи муаммо, албатта, дарсликлар масаласи. Ҳалигача ўзбек тилида шахматни ўрганувчилар учун қўлланмалар йўқ. Лекин Х. Мучникнинг «Биринчи шахмат дарслари», В. Хенкиннинг «Шоҳ қаёққа юради», Д. Плисецкийнинг «Ҳимоя техникаси», Т. Петросяннинг «Шахмат ҳақида лекция», А. Кобенцнинг «Комбинацияларнинг сеҳрли олами» каби қатор китоблари рус тилида чоп этилган. Уларни таржима қилиб, ўзбек ўқувчиларига совға этиш дарсликларга бўлган талабни бироз бўлса-да, қондирган бўларди. Мамажон Муҳиддиновнинг ўзбек тилида чоп этилган яккаю-ягона «Шахмат» китоби 5000 нусхада чиққан. У кимга ҳам етарди. Манимча, 100000 нусхада чоп этилса, ҳаммага етарли бўларди.

Озарбайжонда 17 та махсус шахмат мактаби ишлаб турибди. Грузия, Арманистондаги, РСФСРдаги мактаблар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Оддийгина бир мисолни олиб кўрайлик. Собиқ Иттифоқдош республикалар орасида энг кичиги бўлмиш Эстонияда каттаю кичик жами 100 та шахмат клуби бор, бу ерда шахмат китоблари 25, ҳатто 50 минг нусхада чоп этилади. Бизда-чи? 20 тача шахмат клуби бўлиб, шахмат китоблари 5—10 минг нусхада босиб чиқарилади. Аҳоли сони жиҳатидан Ўзбекистон Эстониядан 10—12 марта катта. Агар жон бошига ҳисоблайдиган бўлсак, бизда клублар Эстониядагига қараганда, тахминан, 50 баробар кам, шахмат адабиётлари эса 60—65 марта оз нашр қилинади. Хуллас, қизларимиз, йигитларимиз Англия, Буйнос-Айрес, Испанияда, Францияда, Швейцарияда, Бельгия сингари хорижий давлатларда ўйнаши учун мустақил Ўзбекистонимизда катта мактаб яратишимиз сув ва ҳаводек зарур. Вақт эса ўтиб бормоқда. Жаҳон чемпиони Гарри Каспаров мен Боку шаҳрида туғилиб улғайдим, деб дунёга Озарбайжонданлигини эслатиб туриши бежиз эмас. Шахмат ўйинининг чинакам ихлосманди академик Ёлқин Тўрақулов билан суҳбатимиз ҳам ана шу ҳақда, шахматнинг инсон ҳаётида, хусусан, мактабдаги ўрни ҳақида бўлди.

— Ёлқин ака, шахсан сиз шахматни севишингизнинг боиси нимада? Шахматнинг одамларга таъсир кучи ва унинг хусусияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Шахмат кишини сабр-тоқатга, ҳаётга жиддий қарашга, мияни оқилона машққа ўргатади. Яна гўзалликни тушуниш ва адолатни севишга ўргатади. Кишининг ақли, идроки, иш қобилияти, характерининг шаклланишига шахматнинг таъсири катта.

— Германиянинг Монтере шаҳрида узоқ умр кўриш сирларига бағишланган музей бор. У ерга ташриф буюрувчиларнинг эътиборини кўпроқ шахматга оид ҳикматли гаплар қўлёзмаси ўзига жалб этади. Унда, жумладан, шундай тавсия бор; «Ёшлик чоғларингда шахмат устида кўп ишла. У ўсмирлигингда турли номаъқулчиликлардан, ақлинг тўлганда ортиқча ташвишлардан холи қилади, кексайганингда эса ўзингга бўлган ишончни оширади ва умрингга умр қўшади». Бу мисол билан айтмоқчиманки, бизда — мустақил Ўзбекистонимизда шахматни тарғиб қилиш кўнгилдагидек эмас. Шахмат ахир ёшлар тарбиясида катта аҳамиятга эга-ку!

— Ўринли савол. Биринчидан, мен Германиянинг Монтере шаҳридаги музейда ёзилган тавсияга тўла қўшиламан. Шахмат ёшларнинг тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз. Ўйлайманки, шахматга қизиққан, унга вақтини аямаган ёшлар бўш пайтини бошқа чалғитадиган ўйин ёки бемаъни ҳаракатларга сарф қилмайди. Мен биладиган бир неча ёшлар мактабда, болалар уйида тарбияланиш даврида шахматга қизиқиб, ҳар томонлама тўғри тарбия топиб келишган. Кейин бошқа шароитга чалғиб, эгри йўлга тушиб кетишди. Шу билан улар шахмат ўйнашни ҳам тарк этиб, яхшилар орасида бўлишдан маҳрум бўлишди.

Шахмат кишида кексайганида ўзига ишонч туғдиради, умрига умр қўшади, деган фикрга ҳам тўла қўшиламан. Ўзимнинг шахсий тажрибам ва атрофимдаги шахмат майдонида учрашиб турадиган ёшликдаги дўстларим устидан кузатишларим бунга мисол бўла олади. Катта ёшдаги бу шахмат ишқибозлари тахта устидаги курашда ёш йигитлардай тиришиб, топган чир[illegible]и йўлларидан завқланиб, рақибидан устун келганда, ҳазил билан чираниб, кейинги учрашувни умид қилиб тарқалишади.

Мусобақалар, жаҳон чемпионати идроклар тўқнашувини, янги баҳсларни сабрсизлик билан кутишни, ишонч ва умидни, куч ва қувватни зўрайтиради. Иккинчи саволингизга келсак, республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида боғ, мактаб, дам олиш саройларида шахмат клубларини кўпайтирилса, тез-тез мусобақалар ўтказиб, оммавий ўйинлар ташкил қилиб турилса, шахмат санъати ҳаётимиздан кенгроқ ўрин олар, маданиятимиз ва тарбиявий ҳаракатларимизнинг узвий қисми бўлиб қолар эди.

Гапимни охирида, яъни вазиятдан фойдаланиб шуни айтмоқчиманки, ўзбек шахматчилари олимпиада ўйинида қатнашиб, иккинчи ўринни олишиб ўзбеклар довруғини дунёга таратди. Буларга катта эътибор бериш керак. Олдинда катта мусобақалар, жаҳон чемпионати беллашувлари турибди.

Хуллас, Ўзбекистон мактабларида шахмат дарси киритилса яхши бўларди. Ўйлайманки, гапларимиз қоғозда қолиб кетмас.

— Суҳбатингиз учун катта раҳмат, Ёлқин ака!

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
профессор.

КУТИШ БИЛАН ИШ БИТМАЙДИ

— Мактабда шахмат дарслиги чиндан ҳам жуда муҳим ва бағоят катта масала. Шахмат жуда оммавий ўйин. Мактаб ва институтларда, клубларда ҳам, чойхоналарда ҳам, санаторийларда, ўқувчилар оромгоҳларида ҳам шахмат кўп ўйналади. Уни ёшлар ҳам, ўрта ёшлилар ҳам, кексалар ҳам бирдай севади. Лекин, шундай бўлса-да, шахматнинг аҳволи кўнгилдагидай эмас. Айниқса, шахмат пропагандаси бобида, уни пухта ўйланган, муайян самара берадиган ташкилий формаларда олиб бориш масаласида камчиликларимиз жуда кўп.

— Анваржон, фикрингизга қўшиламан. Ўзбек халқидан ҳам худди Грузия, Украина, Озарбайжон, Литва, Россиядаги каби зўр шахматчи ўғил-қизлар етишиб чиқмоғи лозим. Аммо бу ўз-ўзидан бўлмайди. «Олма пиш, оғзимга туш» деб кутиб ётавериш билан иш битмайди. Уруғнинг кўкариб чиқмоғи учун яхши замин, обҳаво, сув, парвариш керак. Шахмат бобида ёрқин юлдузларнинг пайдо бўлиши учун ҳам шарт-шароит керак. Бунинг учун, аввало, шахмат мактаби асос бўлиши керак. Институтларда дарслар мажбурий эмас, кўнгилли (факультатив). дарс сифатида киритилиши мумкин. У ҳар куни эмас, ҳафтада икки марта ўқитилса ҳам кифоя. Хўп, шундай қилиш мумкиндир. Аммо мутасадди вазирликлардан рухсат йўқ-ку. Бу ёғи қандай бўлади, дейишингиз мумкин. Белоруссиядаги Бресть шаҳрининг мактабларида иккинчи синфдан бошлаб шахмат дарси жорий қилишган. Ҳеч кимдан сўрашмаган. Болалар жуда қизиқиш билан шахмат дарсини ўтишяпти. Энди ўқитувчилар масаласига келсак, бу ўринда Ўзбекистон шахмат федерацияси жиндай ташаббус кўрсатиши лозим. Федерация ихтиёрида жуда кўп малакали шахматчилар бор. Менга қолса, Анваржон, биринчи ва иккинчи разрядли шахматчиларни мактабларга сафарбар этардим. Ҳар бирининг лоақал жамоатчилик асосида мактабда дарс олиб боришини талаб қилардим. Кейинроқ, яъни 5—6 йилдан сўнг бундай ўқитувчиларнинг ўрнини компьютерлар босиши мумкин. Бу масалада, менимча, истиқбол жуда порлоқ. Яна бир муҳим далилга эътибор беринг. Озарбайжон олими, профессор Ч. Султонов ўтмишдаги истаган буюк шахматчи ҳақидаги, унинг ўйинлари тўғрисидаги маълумотларни электрон-ҳисоблаш машинасининг хотирасига жойлаш ғоясини таклиф қилган. (Бу гапга 50 йил бўлди). Шунда ЭҲМ худди буюк шахматчилар Андерсондек, Морфидек, Алехиндек ёки Талдек ўйнай олар экан.

Ажойиб-а. Бугунги шахматчи ЭҲМ орқали ўтмишдаги буюк шахмат даҳолари билан куч синашса. Менга қолса, бу ғояни ривожлантирган бўлардим. Масалан, Тошкентдаги ҳисоблаш марказида бирорта машинанинг хотирасига шахматни ўрганиш учун зарур бўлган бутун программа, лекциялар, амалий машғулотлар, диаграммалар ва бошқалар жойланса-ю истаган одам ўз шахсий компьютерини ишга солиб зарур материални бир зумда топа олса. Бу фантастика эмас, тараққий этган мамлакатларда бу хилдаги ишлар аллақачон амалга оширилган. Унда ўқитувчигина эмас, дарсликлар масаласи ҳам анча ҳал бўларди. Ҳозирча эса, албатта, тегишли ташкилотлар дарсликлар чиқармоғи ёхуд борларини қайта нашр этмоғи керак. Яна бир гап. Шахматни мактабда ота-оналарнинг маънавий ва моддий ёрдамисиз жорий қилиб бўлмайди. Лоақал дастлабки вақтда шахмат тахталари, шахматга оид адабиёт китоблари сотиб олиш учун маблағ керак. Ҳарҳолда, бу қутлуғ ва савобли ишни амалга ошириш йўллари кўп. Фақат ташаббус, бу борада чинакамига жон куйдириш керак. Ўзбек тилида шахмат журнали, ҳафталик газета, классик китобларни чоп этиш керак.

●

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.

ШАХМАТ ЎЙИНИДА БУЮК АДОЛАТ БОР

— Эркин ака, бўш қолдим дегунча, шахмат ўйинига интиласиз. Нима учун бу мўъжиза ўйинни севасиз? Шу ҳақда суҳбатлашсак.

— Жоним билан, Анваржон. Аввало, шуни айтиш керакки, шахмат қадим замонлардан ўзининг сирли мўъжизаси билан одамзод қалбини забт этган. Бу қизиқарли ўйин кишига олам-олам завқ-шавқ улашади, маънавий қувват бағишлайди. Ҳозирги кунда бу кўҳна ўйин дунё халқлари ўртасида катта нуфузга эга. Шахматни барча—ёшу қари ўйнай олади. У инсоннинг фикрлаш қобилиятини чархлайди ёки бошқача қилиб айтганда, истеъдод сайқалининг тиниқ чашмасидир.

Шахматни севишимнинг боиси шундаки, шахматда мен шеъриятнинг, мусиқанинг меъморлик ва рассомликнинг туғишган биродарини кўраман. Турмушнинг чигал ва мураккаб, ҳаққоний ва бешафқат қонуниятларини ҳис этаман. Инсон заковатининг даҳоси яратган мўъжизалар ичида шахмат деб аталган сеҳрли санъат олами бор. Бу санъат олами, яъни биз яшаб турган дунёнинг олтмиш тўрт катағидаги мўъжаз инъикоси кичкина шахмат тахтага кўчган шакли жаҳоншумул ижод сеҳри сифатида мангу ва бепоёндир. Ҳаётда ҳар кимнинг ўз муносабати бўлганидек, санъатни ҳар ким ҳар хил қабул қилганидек, шахматдан ҳам ҳар ким ўзича баҳраманд бўлади. Биров уни эрмак учун ўйнаса, бировлар ўзининг қобилиятини чархлайди, бошқа биров эса ундан эстетик завқ олади. Мен учун шахмат, аввало, ўзни тарбиялаш манбаи. Ҳаёт сўқмоқларида янглишмаслик, ягона тўғри йўлни топа билиш, мураккаб ҳолатларда тез ва теран фикр қила олиш, ҳар бир вазиятга тўғри баҳо бера билиш, шошқалоқ хатти-ҳаракатлардан тийилиш сингари хислатларни ҳам шахмат ўргатади. Шахмат ўйинида буюк адолат бор. У хато учун бешафқат жазолайди, тадбир учун қувончлар ҳадя этади. Энг муҳими, шахмат кишида яхши ахлоқий фазилатларни тарбиялайди. Негаки, у руҳий саломатликни, жисмоний қувватни ҳам талаб этувчи ўйин.

Шахмат, айниқса, ёшларни маишатбозликдан, ичкиликбозликдан, ахлоқий бузуқликдан тияди.

Хуллас, шахмат ақллар кураши, туйғулар жанги...



Оқлар бошлаб, ютади.

Анвар ИНОҚОВ,
шахмат бўйича спорт усталигига номзод.

Ўсмир ва қонун

Эндигина ҳаёт маъносини тушуна бошлаш ёшига етган йигитларнинг турли хил йўллар билан пул топиш, бойлик орттириш ниятида яшаётганлигидан ажабланасан, киши. Яшашдан мақсад — яхши кийиниш ва айшу ишрат қилиш, деган тушунча ўрта мактабни тугатиб улгурмай, бурчак-бурчакларга йиғилиб сигарет чекиб, арок ичиб ўтирган ўспиринлар хаёлида қачон «ин» қурдийкин? Аввалига сигарет чеккан, сўнгра спиртли ичимлик истеъмол қилган бола шу билан чегараланиб қолади, деб ўйлайсизми? Йўқ, албатта. Буни ҳаёт кўрсатмоқда.

ЁШ УМРИГА ЗОМИН БЎЛАЁТГАНЛАР...

6 январь куни соат 15.30 да «Чорсу» метроси бекати атрофида ҳеч қаерда ишламай ва ўқимай юрган А. Ю. 200 грамм гиёҳвандлик моддаси билан қўлга олинган.

7 январь куни ҳеч қаерда ишламай ва ўқимай юрган, муқаддам судланган И. А. ички ишлар ходимлари томонидан ушланганда, унинг ёнидан 1,2 грамм қорадори ва «Макаров» маркали пистолетнинг иккита патрони топилган.

Яқин кунларда Э. З. 10,9 грамм, О. С. 10,2 грамм, А. Т. 8,1 грамм қорадори ва наша билан қўлга олинган. И. К.нинг ўз уйи балконида гул тувакда наша ўстираётганлиги аниқланди.

Энг ачинарлиси, уларнинг барчаси 1968, 1969, 1972 йилларда туғилган ёшлар.

Уларни тарбиялаш фақатгина ички ишлар ходимларининг зиммасида эмас, балки ҳаммамизнинг вазифамиздир. Ёшлар ва ўсмирларнинг ҳаёти учун аввало ота-она ва қўни-қўшни, маҳалла қўмиталари масъулдирлар. Шу боис ҳам уларнинг қилмишлари учун энг аввало, атрофдаги бефарқ ва лоқайдлик касалига мубтало бўлганларни жазолаш керак. Токи, ёшларимиз тарбиясиз вояга етиб, ўз умрларига зомин бўлмасинлар.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси матбуот гуруҳи ходими.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Қўқон педагогика билим юрти директори Саломатхон Абдуллаевага турмуш ўртоғи

Умархон АБДУЛЛАЕВ

бевақт вафот этаганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги жамоаси Кадрлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Фарит Мансуровичга отаси

Мансур КУЧУКБОЕВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика маркази шу марказнинг етакчи мутахассиси Дилором Маҳкамовага отаси

Абдуқодир НИШОНОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Республика ўқув-методика маркази шу марказнинг етакчи методисти Б. Бобожоновга отаси

Матназар БОБОЖОНОВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Шайхонтоҳур тумани халқ таълими ва 85-мактаб жамоаси шу мактабнинг собиқ раҳбари

Мутал МАННОПОВ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлими, туман касаба уюшмаси ҳамда 254-ўрта мактаб жамоаси, шунингдек, «Ўзбек-Ремакса» қўшма корхонаси маъмурияти 254-ўрта мактаб директори Йўлчибой Абдуллаевнинг опаси

Зайнаббиби АБДУЛЛАЕВА

вафоти муносабати билан у кишининг қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Чилонзор тумани халқ таълими бўлими, фан ходимлари касаба уюшмаси, 201-мактаб жамоаси шу мактабнинг муаллимаси Гулнора Шокировага отаси.

Шорасул ШОНОСИРОВ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

НОН ҲАҚИДА

● Қадимий Мисрдаги тез ёзиш усулида қуёш, олтин ва нон бир хил белги билан ифодаланган — айланма доира қилиниб, ўртасига нуқта қўйилган. Шундай қилиб, нон олтин ва қуёш билан тенглаштирилган. Ер юзида нон пайдо бўлиши билан инсоният тараққиётнинг ва дунёни тушунишнинг бошқача, янада юқорироқ босқичига кўтарилди. Нон инсоният тарихининг илк даврида янги уфқлар очиб, буюк роль ўйнади.

● Фазогирлар ейдиган нон ҳар бири 4,5 граммдан қилиб тайёрланади. Бу тасодифий эмас, биз нон тишлаганимизда ўртача шунча миқдордаги нонни оғзимизга оламиз. Вазнсизлик шароитида космонавтларга нонни тишлаб ейиш мумкин эмас. Сабаби, унинг ушоғи ҳавога учиб, ўпка йўлига ўтиб кетиши мумкин. Иккинчи томондан ноннинг таъми қобиғига ҳам боғлиқ. Шунинг учун баъзи кишилар нон қобиғини яхши кўради. Фазогирлар ейдиган нон буткул қобиқлидир.

● Меҳнат билан топилган нон болдан ширин.

● Эл қадрини туғишган билар.

Нон қадрини етиштирган.

«МАЪРИФАТ»
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.
Таҳрир ҳайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Ашурали АҲМЕДОВ, Алишер КАРИМОВ, Ғафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Маҳмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром ҚОДИРОВ, Бегали ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Қурбонбой Матқурбонов, Зубайда Усмонова.

ИНДЕКС: 64595. Буюртма Г.—756. 38503. нусхада босилди, ҳажми 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 Босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. 1 2 3 4 5 6.